

СУЛТОНАЛИ МАННОПОВ

***ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ
ФАОЛИЯТДА СЦЕНАРИЙЧИЛИК***

ФАРГОНА - 2004

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНАЛИ МАННОПОВ

**ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ
ФАОЛИЯТДА СЦЕНАРИЙЧИЛИК
(Ўқув-услубий қўлланма)**

Фарғона 2004 йил

Масъул муҳаррир: **Имъминжон Қирғизов** – Ижтимоий-маданий фаолият кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар: **Махмуджон Абдуллаев** – Фалсафа фанлари доктори, профессор.

Мухаммадсоли Юсупов – Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят театрининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофотининг совриндори.

Ўзбекистон халқ артисти, Фарғона Давлат университети профессори Султонали Манноповнинг мазкур рисоласида бугунги кунда юртимиз маданий фаолиятида муҳим бўлган дастурларни тайёрлашда сценарийнинг ўрни ва моҳияти ҳақида фикр юритилади. Байрам сценарийларини яратишда дастурнинг ғоявий мазмунига эътиборни қаратиш зарурлигига тавсиф берилади. Истиқлол йилларида яратилган сценарийларнинг айримлари ҳавола қилинади ва сценарий ёзиш услублари кўрсатиб ўтилади. Мазкур рисола олий ўқув юртлари ижтимоий-маданий фаолият билан шуғулланувчи талабалар учун ўқув услубий қўлланма сифатида тавсия этилади.

КИРИШ

Ватанимиз мустақиллиги билан боғлиқ барча тамойиллар маърифат, маданият, фан ва санъатда, бадиий тафаккурнинг барча қатламларида ўз аксини топмоқда. Мустақиллигимиз даврида ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келган, асрлар давомида шаклланган халқ байрамларини қайта тиклаш ва уларни оммавий тарзда нишонлашга асосий эътибор қаратилди. Бунинг барчаси ўз-ўзидан оммавий байрамларни сценарий асосида тайёрлашга, халқ байрамларини ва касб байрамларини театрлаштирилган томошалар тимсолида янги мазмун касб этишга ундамоқда ва буларнинг барчаси муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида бу соҳада ўзига хос тажриба тўпланди ва байрамлар билан боғлиқ янги санъат тури, яъни театрлашган аниқ сценарий асосида ўтказиладиган майдон томошалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай сценарий асосида тайёрланаётган томошалар, республикамиз бош майдонида, вилоятларда, туманларда ва корхона, ташкилотларда ўтказилиши қувонарли воқеадир. Наврӯз ва мустақиллик байрамлари, буюк давлат арбоблари, саркардалар ва алломалар юбилейлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги тантаналари сингари оммавий театрлаштирилган томошаларнинг бадиий, гоявий мазмунини очиб беришда сценарий дастурлари асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, наврӯз ва мустақиллик байрам томошаларининг бутун мамлакат миқёсида ўзига хос кўтаринки руҳда нишонлаш анъанага айланиб бормоқда. Ушбу байрамлар шунчаки шодиёна эмас, балки миллатнинг маънавияти, руҳи, ғурури, қадр-қиммати тикланаётганидан, халқ онги уйгонаётганидан далолат бермоқда.

Юқорида таъкидланган барча ишларни амалга оширишда ижодкорлар зиммасига масъулият юклайди. Уларнинг ижодий изланишга чорлайди ва байрам томошаларини юксак савияда ўтказишга ундейди. Олий ўқув юртларида ижтимоий-маданий фаолият йўналиши билан шуғулланувчи талабалар олдида ҳам келажакда ана шундай масъулиятли ишлар турадики, бу жараённи моҳирлик билан ташкил этиш вазифасини ўз зиммаларига олиш билан бирга, бундай байрамларни бадиий савиясини мукаммаллаштиришда аниқ дастур, яъни сценарийчилик маҳоратини оширишликни талаб қилинади. Шунинг учун ушбу йўналиш ўқув дастурига «Сценарий маҳорати» фани киритилган бўлиб, бу соҳада тинмай изланишни талаб қиласди. Буларнинг барчасини инобатта олган холда ўз маҳоратларини ошириш, ушбу соҳа билан шуғулланадиган мутахассислар олдида муҳим вазифадир.

I-БОБ.

СЦЕНАРИЙ МАХОРАТИ ФАНИНИНГ МАЗМУН ВА МОХИЯТИ

Ижтимоий-маданий фаолият йўналиши мутахассислари учун иш фаолиятлари давомида турли маросимларга, байрам ва тантаналарга, касб байрамларига бағишлиб алоҳида дастур тузиш муаммоси хамиша кўнгдаланг туради. Бунинг натижасида ҳар бир йўналиш ва маросимлар учун аниқ сценарий асосида ғоявий-бадиий салоҳиятга эга бўлган, бугунги куннинг талабига жавоб берадиган дастурлар тузишни тақозо этади.

Сценарий – ана шу ғоя ва мафкурадан келиб чиқсан холда бадиийлик ва мазмунан бой аниқ дастурлар йиғиндишидир.

Сценарий тузиш алоҳида аҳамиятга молик бўлган касбий маҳорат бўлиб, унинг натижасида саҳнада яхлит ижодий жараён яратилади. Ана шу жараёнда аниқ йўналишлар, алоҳида блоклар, режиссура, мусиқий мутаносиблик шаклланади ва сценарийнинг бадиий мезонини белгилайди. Сценарийнинг бадиий воситаси сифатида унга ёндашадиган жараёнлар, саҳнавий кўринишлар, ҳар бир блокнинг ўзига хос мазмуни, мусиқий оҳанглар ижроси, аниқ касб байрамига ёки саналарга бағишлиганлик моҳияти ва умумий режиссура тузилмасини тушуниш керак бўлади. Сценарийнинг техник воситаси эса умумий техник жараёнларни ўз ичига олади. Электр ёритқич манбалари, овоз кўтариш аппаратуруси ва саҳнани безаш учун ишлатиладиган техник воситаларнинг барчаси ана шу фаолиятни ўз ичига олади. Сценарийга асос қилиб олинган жараёнларда бадиий восита билан техник восита ўз-ўзидан умумлашиб кетади, чунки сценарийни амалга оширишда ушбу икки восита ҳам баравар фаолиятни ташкил этади.

Байрамлар кишилар ҳаётидаги жуда муҳим ходисаларни ифода этади. Шу жиҳати билан турмушда, мамлакат, ижтимоий гурух, давлат, оила ҳаётида қувончли кундир. Улар кишиларнинг истаклари, қарашларини ўзида гавдалантиради, ҳалқ оммасига жуда катта эстетик завқ, маънавий озуқа бахш этади. Хуллас байрам хурсандчилик тимсоли, шодлик ва бахтиёрлик дамлари. Уларни меъёрида фойдаланиш лозим, уларни бажариш турмуш тарзини янада гўзаллаштиради. Ҳалқимизнинг байрамлари жуда қадим замонлардан бери яшаб келмоқда, улар миллийлик тимсоли, ҳалқ табиати, руҳининг объектив намоён бўлиши ва кўрсатгичидир. Барча ҳалқларда бўлганидек, ўзбек ҳалқида ҳам оиласи, меҳнат, диний, миллий, умумбашарий ва давлат байрамлари вужудга келган ва минг йиллар мобайнида нишонланиб келади. Улар тўй, хосил байрами, наврўз, ҳайитлар, мустақиллик куни, Ўзбекистон Конституцияси куни, хотин-қизлар байрами, ғалаба байрами ва хоказолар. Ушбу байрамларни ташкил этишда аниқ мавзуга ғоявий ёндашган холда сценарий тузиш талаб қилинади.

Сценарий тузишда ёки ёзишда мазмун ва шакл етакчи ўрин тутади. Сценарийнинг бадиийлик даражаси унинг мазмуни ва шакли қўп қирралиқдир. Яъни унинг мафкуравий йўналиши, ғояси, бадиийлик қиймати, тузилиш шакли барчаси бирлашиб сценарийнинг мазмун ва моҳиятини ифодалайди. Сценарийда мазмун етакчи аҳамиятига эгадир. Мазмуннинг етакчилиги ҳар бир сценарий муаллифининг ижодига ва изланишига боғлиқдир.

Сценарийда мавзу ва ғоя бош бўғин ҳисобланади. Чунки ҳар бир мафкуранинг ўзини ғояси бўлганидек, бугунги кунда ҳам аниқ мавзу ва ғоя асосида яратишни талаб қиласи. Бугунги куннинг долзарб мавзусига айланиб қолган миллий истиқлол ғояси, мустақиллик мафкураси мавзуси бош ўринда бўлиб, маънавий қадриятларнинг ва маданий бойликларнинг йиғиндиши асосида ривож топмоқда.

«Ҳалқимизнинг келажаги – деб ёзади президент Ислом Каримов, – энг аввало, унинг ўзига маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Маънавийлик ва марифийлик ҳалқимизнинг қўп асрлик тарихи давомида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келди. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб сценарийда ғоя ва маънавият

асосларини биргаликда идрок этиш, мавзуни шу асосда кенгайтириш сценарийнинг бадиййлик жихатини гоявий томонидан мустахкамлайди.

Сценарий тузувчи аник ва хаётый материаллар асосида мавзу жихатидан бир-бирига боғлиқ бўлган шакллар асосида урғу берса, сценарийнинг муваффақиятини таъминлайди. Мисол тариқасида шуни кўрсатиш мумкин: 1995 йил марказий Осиё халқларининг бирдамлиги, маданиятини муштараклигини ифодаловчи «Туркистон умумий уйимиз» шиори ўртага ташланди. Ана шу йўлда ушбу мавзуга бағишланиб бир неча сценарийлар яратилди. Булар орасида қуйидаги сценарийни мазмун ва моҳиятини мисол келтириш мумкин: «Туркистон – умумий уйимиз» театрлаштирилган бадий томоша деб номланади. Ушбу дастур тўрт блокдан иборат:

Биринчи блок: «Мозийга назар – ўтмишимиз
буюк бўлган»

Бунда қадимий Турон заминида яшаган халқларнинг қаҳрамонлари, буюк алломалари образлари театрлаштирилган саҳналар орқали намойиш этилди. Саҳнада хумо қуши образи асосий лейтмативни ташкил қиласи. Ҳалқ қаҳрамонлари: Гўрўғли, Афросиё, Сухроб, Манас, Шақ-шақ Жонибек, Қурбонжон додхоқ

Алломалар: Ал-Фарғоний, Навоийй, Жомий, Махтумкули, Абай, Бердаҳ сингари образлар талқинида Турон замин ўтмиши намоён бўлади. Ушбу блок Туркистон халқларининг ўтмиши хам буюк бўлганлиги улуғ аждодларимиз, ушбу заминда яшаган барча халқлар хамиша эркка, озодликка интилиб яшаганликлари саҳна кўринишлари орқали, хумо қуши талқини ёрдамида ўткир сюджеятли воқеалар билан намойиш қилинади.

Иккинчи блок «Келажагимиз ҳам буюк бўлган» деб номланиб, бунда Турон заминида яшовчи хозирги авлодларнинг келажаги буюк бўлиши алоҳида кўринишлар асосида болалар блоки, спорт блоки кўринишларида ифодаланади.

Тўртинчи блокда «Дўстлик тароналари»- концерт дастури намойиши қилинади ва Қозоқ, Ўзбек, Қирғиз, Туркман, Тожик, ва бошқа тилларда кўшиқ ва куйлар ижро этилади. Финал қисми эса – «Дўстлик» вокал – хореографик кўриниши орқали якунланади. Шундан кўринадики сценарий тузишда мазмун, ғоя, шакл, бадиййлик, бирлашиб, умумий мақсадни ифодалайди. Хуласа қилиб айтганда сценарий тузишда асосий омиллар саналиши мазмун, ғоя, шакл, мусиқа мутаносиблиги, бадиййлик даражаси ва умумий мақсад уйғунлиги дастурнинг муваффақиятини таъминлайди. Сценарийнинг муаммоси ҳам ушбу барча омилларни ўз ичига олади ва шу мақсадга ҳизмат қиласи.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Сценарий деганда нимани тушунасиз?
2. Сценарий тушунчасида мағқуранинг ўрнини қандай баҳолайсиз?
3. Мавзу билан гоянинг бирлигини қандай баҳолайсиз?
4. Мавзу билан гоянинг бирлигини қандай тушунасиз?
5. Ғоя хақида тушунчангиз.
6. «Туркистон умумий уйимиз» сценарийси таҳлили хақида фикрингиз.
7. Хуласа.

НАЗОРАТ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Сценарий тушунчаси.
2. Сценарий ёзишда мазмуннинг ифодаланиши.

3. Мавзу ва ғоя сценарийнинг бош бўғини.
4. Туркистон умумий уйимиз сценарийсининг тахлили.
5. Хулоса.

СЦЕНАРИЙДА БАДИЙЛИК МЕЗОНИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Бадиий асар жонли организмга нисбатан берилади. Яъни бадиий асарга хаёт баҳш этадиган мазмуни, шакли, йўналиши унинг ифодасидир. Бадиийликда мазмун ва унда ифодаланадиган ғояларнинг бирлиги мазмунни ифодалашда қўлланиладиган (тил, характерлар, сюжет, композиция ва хоказо) унсурлар бадиийлик композициялари саналади. Бадиийликда мазмунни шаклга ўтиши ва шаклнинг мазмунга ўтиши ва шунга ўхшаш жараёнлар бадиийлик қонуниятидир. Бадиийлик хаётий ва гоявий мазмунга нисбатан шакл ходисасидир. Сценарийда ҳам бадиийлик тушунчаси кенг маънода бўлиб, асарнинг асосий мазмун ва мохиятини белгилайди. Таъсир жараёнини мустаҳкамлайди ва тасаввурни кенгайтиради, таъсирчанлигини оширади.

Табиат ва жамиятда ҳамма нарса икки томонга эга: бир томони мазмундан иборат бўлса, иккинчи томони шакл билан боғлиқдир. Ҳар бир мазмун ўзига хос шаклда яшайди. Масалан дарахт мазмун жихатдан ўз маъносига эга бўлса, унинг шохлари, танаси, барглари, томирлари шаклини ташкил этади. Сценарийда шакл бадиийликнинг либоси хисобланади. Агар шу либос ўз ўрнига қўйилмаса, танлаб олинмаса шакл ва бадиийлик ўз ифодасини топа олмайди. Сценарийнинг мазмуни, мохияти, уни шакли орқалигина ифодаланади. Шакл мазмунининг муҳим ҳусусиятидир. Бадиийликда шакл мазмуни образларида, талқинларида, образли тафаккур орқали ўз аксини топади.

Образлик, бадиийлик мохияти сценарийда акс этилиши, усули, воситаси барчаси унинг шакли саналади.

Сценарий тузишда ҳалқ оммасининг бадиий-эстетик соҳаларни идрок этишга ва уларнинг умуминсоний қадриятларни билиш каби қирраларига эътиборни қаратиш зарур бўлади. Омма фикрини ғоялар билан бойитиб бориш учун аввало ҳар бир инсонни бадиий маданий савиясини, дунёкарашини истиқлол мафкураси асосида шакллантиришга замин хозирлаш талаб этилади. Лекин бундан ҳар бир шахс ўз ихтисосидан воз кечиб, фақат санъат ва адабиёт билан шуғулланиши, нукул бадиий тафаккурни тарбиялаши керак, деган хулоса чиқармаслик керак. Ҳар бир касб эгаси ўз касбини ардоқлаши, такомиллаштириб бориши, иш жараёнида давлат ва ҳалқ олдиаги масъулиятини, фуқаролик бурчларини тўла хис этишлари лозим бўлади. Ҳар бир касб эгасининг хизмат бурчи, касб-кори уларга санъат ва адабиётнинг умумий йўналишларидан доимо хабардор бўлиб туришликни тақозо этади. Шунинг учун ҳар бир шахс ўз касб-коридан ташқари маънавий покланиш жараёни бораётган бир вақтда санъат ва адабиёт, ундаги бадиийлик масалаларига бефарқ қарамасдан балки маънавий камолот сари интилмоғи зарур.

Ушбу унсурларни амалга оширишдаги жараёнлар воситасида вужудга келадиган сценарийлар бадиий мукаммал, пухта бўлиши шарт қилиб белгиланади. Инсон қайси касбда бўлмасин санъат воситалари орқали эстетик завқ олади. Бирон бир санъат асарини эшитиб ёки кўриб завқланади. Ундаги бадиийлиқдан илхомланади. Ҳозирги даврда меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳаётини, турмушини санъатсиз, бадиий воситасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки меҳнат аҳли моддий бойликлар ишлаб чиқаргандан сўнг бўш вақтга эга бўладилар ва уни мазмунли ўтказиш учун маданият ва санъатни севишлари ёки уни яратишда бевосита иштирокчилар бўлишларига эҳтиёж сезади.

Сценарий тузишда меҳнаткашларни эҳтиёжини хисобга олган ҳолда ижод қилиш, унинг образлилик, бадиийлик ва мохиятини сценарийда акс этилишига эътиборни қаратиш

зарур бўлади. Айниқса унинг бадий савиясига эътибор берилганда ғоявийлик принциплари бош мезон эканлигини унутмаслик зарур.

Бадийлик икки мустақил бўлакка – мазмунга ва шаклга бўлиниши мумкин эмас. Улар ўзаро бир-бирига мана шу яқин бирикмадир. Мазмунсиз шакл, шаклсиз мазмун бўлиши мумкин эмас. Фақатгина буларнинг ҳар бири алоҳида ўзига хос ҳусусиятга эга, шунинг учун ҳам алоҳида тахлил этилади. Уларнинг бир-биридан ажратиб талқин этиш шартли ходисадир. Бадийлик мазмун ва шаклнинг бир бутун қуймасидир, шунинг учун ҳам бадийликда ифода этиладиган фикрларни оддий сўзлар билан ифода этиш мумкин эмас. Бадийликда тасвирланган характерлар тасвир этилган хаётй ва ғоявий мазмунга нисбатан шакл хисобланади. Сценарийда тасвир этилган воқеалар, персонажлар, образлар, характерлар, бадийликда мазмунни шакли бўлиши билан бирга ўша мазмун ва шаклнинг яхлит бирикмасидир. Хулоса қилиб айтганда сценарий тузишда бадийликни етакчи ижод маҳсули деб тушунмоқ керак ва шакл мазмун бирикмалари, бадийликни серкирра қўринишларининг асосини ташкил этади деган қарорга келиши табиийдир.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Сценарийда мазмуннинг етакчи ўрнини қандай тушунасиз?
2. Мазмун ва шакл қоришимаси сценарийнинг яратиш усулига қандай таъсир этади?
3. Мазмун ва шаклдаги яхлитликни бирикмаси қандай бўлади?
4. Бадийликдаги мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқасини қандай тушунасиз?
5. Хулоса.

НАЗОРАТ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Сценарийда бадийликнинг етакчи ўрни.
2. Шакл – сценарийнинг яшаш усули.
3. Бадийлик – мазмун ва шаклнинг яхлит бирикмаси.
4. Хулоса.

СЦЕНАРИЙНИНГ ҒОЯВИЙЛИГИ ВА МАФКУРАВИЙЛИК КУЧИ

Инсоният тарихи – ғоялар тарихидир. Ғоя инсон тафаккури маҳсули, миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсулидир. Оlam яралибди, инсон ўз таффакурига эга бўлган даврдан бошлаб инсониятнинг орасида ғоялар кураши мавжуд бўлиб тарихий ривожланиш жараёнида турли қўринишлар билан намоён бўлган инсоният тарихи – ғоялар тарихидир. Ғоялар кураши ҳар доим бир-бирлари билан тўқнаш келган. Яхшилик билан ёмонлик, босқинчлик билан ватан муқаддаслиги, ғоялар орасидаги муносабатлар, буларнинг барчаси ўз манфаатлари йўлида ғоявий кураш олиб борганлар. Ғоялар курашида шундай бир ғоя борки, бу миллий ғоя бўлиб бу ғоя ҳар бир миллатнинг онги ва тафаккурининг маҳсулига айланади. Яъни шу миллатнинг ўзлигини ангалаши, маънавий меросини авайлаб асрashi, миллий маданияти ва санъатига муносабати, миллий урф- одатларга бўлган хурмати сингари қатор тамойилларда ўз аксини топади.

Ғоя ва мафкура орасидаги алоқадорлик мураккаб. Мафкура тор тушунча бўлиб, у айрим синф ва сиёсий партиялар гурухларининг қарашлари йифиндисидир, лекин у доимо сиёсий, фалсафий ва юридик тизимлар қўлидаги қурол бўлган ўзида реал куч имкониятларини жамлайди ва ғояга тез ва дадил таъсир этиш ҳусусиятига эга. Барча даврларда мафкура хукумронлик даражасига интилган, ғоя билан оралиқдаги боғлиқлик ўзгарувчан бўлиб, турли шаклларда намоён бўлиши мумкин.

Маданиятнинг дунё атамаларида жуда кўп талқинлари мавжуддир. «Маданият» атамаси арабча бўлиб «Мадина» «Шахар» деган маънони англатади. Маданият ибораси

тариҳий адабиётларда ранг-баранглик, янгилик маъносига ишлатилади. Шунинг учун ҳам унинг туб маъносига аниқ ижтимоий ходисалар, воқеа ва жараёнлар, табиат ва инсон орасидаги боғлиқлик, инсон тафаккури тараққиёти қонунлари ётади. Инсон меҳнатининг махсуси яратган тафаккур дурданалари «Маданият», яъни янгилик сифатида қабул қилинади ва тариҳга муҳланади.

Жаҳон тариҳи манбаларида маданиятнинг 300га яқин атамалари ва таърифлари мавжуд бўлиб, буларнинг барчасини замирида инсон тафаккури ётади. Маданият ўн бешдан ортиқ йўналишларни ўз ичига олади. Моддий маданият, маънавий маданият, сиёсий маданият, иқтисодий маданият, эстетик маданият, хуқуқий маданият, диний маданият, фалсафий маданият, ахлоқий маданият ва бошқалардир.

Ўзбекистонда демократик, эркин, фуқаровий жамият қуришнинг Президент И.А Каримов ишлаб чиқсан беш тамойили маданий давлат барпо этишнинг моҳиятини ташкил ётади. Табиийки, яратилаётган давлатни ўзи маънавий маданиятининг махсуси ҳамдир. Бунга Президентимизнинг қуйидаги сўзлари мисолдир: «Ватан тариҳи ва маданияти, жўғрофияси ва иқтисодини, қадимий урф-одатларимизни ҳар томонлама ўрганиш долзарб аҳамиятга эга. Боғчалардан тортиб олий ўқув юртларигача бўлган таълим-тарбия тизимларида мазкур фан ва билимларни ўқитиш мухим сиёсий вазифа сифатида қаратилмоғи керак». Умуман олганда, маданиятнинг жуда кенг қамровли қўринишлари унинг мазмун ва моҳиятини етарли даражада очиб беради.

Ҳар бир тариҳий даврда маданиятга доир қарашлар маънавий эҳтиёжларни қондириш зарурийлигидан келиб чиқар экан, маданият тўғрисидаги масала ҳам турлича талқин этилади. Маданиятни турли жиҳатдан тавсифлашга бўлган иштилишга ҳамма даврларда амал қилинган. Маданият ўз мазмун, моҳияти билан барчани ўзига тортган ва турлича фикрлашга, баҳолашга замин яратган. Ана шундай фикрлар жараённида маданият тўғрисидаги ранг-баранг концепция ва назарияларнинг таркиб топиши ва ривожланишига олиб келган. Маданиятнинг моҳияти, унинг шакллари, мазмуни, ўзгаришлари ва тараққиёти йўсини, инсон маданияти ва ижтимоий жараёнларнинг ўзига хослиги, маданиятнинг фалсафий-тариҳий ва тариҳий-фалсафий томондан таҳлил этилиши, унинг сифат ва миқдор жиҳатларини белгилаш, маданий жараёнлар ва маънавий оқимлар тараққиёти қонунларини ўрганиш билан маданиятшунослик фани шуғулланади.

Маданиятшунослик фани соҳасига санъат билан боғлиқ бўлган эстетик фаолият санъат йўналишларига ёндашган ҳолда харакат қиласи. Санъатда эстетик фаолият профессионал ихтисослиқ сифатида намоён бўлади. Санъат асарлари инсон томонидан эстетик ўзлаштирилиши туфайли ижтимоий қадриятга айлана боради. Санъатдаги гўзаллик ва мукаммаллик бирдан-бир, ягона мақсад ҳисобланади. Санъат орқали намоён бўладиган фаолият ана шу туфайли инсонни тарбиялаши, курашга чорлаши, фикрини уйғотиши, хистийғуларга таъсир этиши, кулдириши ёки йиғлатиши мумкин. Эстетик фаолият гўзалликни англаш ва яратишдан иборатдир. Шунга кўра қадрияларни яратиш, гўзал инсонни таркиб топтиришга йўналтирилган фаоллик эстетик фаолият дейилади. Эстетик фаолият бадиий фаолият билан ёнма-ён турсада эстетик маданиятда алоҳида соҳа сифатида қаралади. Бадиий маданият эстетик маданиятни ўзаги ҳисобланади. Шу нуктаи назардан эстетик маданият билан бадиий маданият ўртасидаги умумийлик ва тафовутлар масаласи келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маданиятнинг мазмун ва моҳияти кенг маънода кишиларнинг жисмоний ва ақлий меҳнати жараённида уларнинг ранг-баранг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун яратилган барча нарсалар тушунилади. Ғоя ва мафкуранинг жамиятдаги ўрнини идрок қилиш айниқса мафкурамизнинг бош бўғини бўлган миллий истиқлол ғоясининг барча халқимиз орасига тушунтириш мухим вазифадир. Шундан келиб чиқиб бўладиган маданий тадбирларни миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкураси руҳи замирида яратиш, сценарийчилик ижодида ушбу йўл асосига ижод қилиш ҳар бир ижодкорга юксак масъулият юклайди. Дастурларнинг бадиийлик, ғоявийлик қучи унинг мафкуравий ечимида келиб чиқади ва бунга амал қилиш зарур.

МУСТАХҚАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ғоя деганда нимани тушунасиз?
2. Мафкура ғояга нисбатан таъсир этаоладими?
3. Мафкура ва ғоя орасидаги тафовутларни шархлаб беринг.
4. Маданият нима?
5. Миллий истиқлол ғоясида маданиятнинг ўрни қандай?
6. Хулоса.

НАЗОРАТ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Ғоя хақида түшүнчә.
2. Мафкуранинг ғояга таъсир кучи.
3. Замон мафкуралари ва ғоялари орасидаги тафовутлар
4. «Миллий истиқлол ғояси ва маданият». Эстетик фаолият.
5. Хулоса.

СЦЕНАРИЙ ВА МУСИҚИЙ БЕЗАК МУТАНОСИБЛИГИ

Маданий ва майший турмушимизни мусиқасиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, эрта тонгдан то кеч тунга қадар ён-атрофимизда янграб турган турфа наволар маънавий ва руҳий эҳтиёжимизни қондиришга хизмат қўлмоқда. Мусиқа жон озиғи деб бекорга айтилмаган. Қадим замонларда бир донишманд: «Омма истеъмолидаги мусиқанинг савиясидан жамиятнинг руҳий соғломлигини аниқлай оламан», деган экан. Бундай имкониятлар эндилиқда мислсиз даражада кенгайди, чеки-чегараси қолмади. Зеро, товуш ёзиш ва янгратиш учун мўлжалланган мосламалар аллақачон турмушимиздан мустаҳкам ўрин олиб, кундалик ҳаётимиз заруратига айланиб қолган. Баркамол авлод тарбиясига қарата мақсад қилиб ишлатилаётган «маънавий баркамоллик» иборасини ҳамма ҳар хил тушуниб, идрок этиши эҳтимолдан холи эмас. Адабиёт, шеърият ва барча санъат турларини зинхор камситмаган ҳолда таъкидлаб ўтмоқчимизки, ёшлар тарбияси, улғайиб бораётган кишида чин инсоний фазилатлар шаклланиб, камол топишида мусиқанинг аҳамияти бекиёсdir.

Сценарий тузишда мусиқанинг бекиёс ўрнига ана шу нуқтаи назар билан ёндашмоқ зарур бўлади. Чунки мусиқасиз дастур жонсиз хайкал маъносини англатади. Сценарий дастурини сифатли техник ёзуви (граммелефон ликопча, магнит тасма, компактдиск) тизимида фойдаланиш тавсия этилади. Чунки сифатли техник ёзув мукаммал ижрони муҳрлаб сақлаш, тарғиб қилиш, ўрганиш учун энг қулай воситалардан. Факат унинг ҳозирдаги анча кенг имкониятларидан тўғри, бошқача қилиб айтганда, тингловчи – томошабинга малол келмайдиган даражада фойдаланиш зарур бўлади. Сценарийда мусиқий оҳанг олдинги асосий планга чиқмаслик зарур. Ундан лейтматив сифатида фойдаланиш яхши натижа беради. Сценарий тузишда мусиқадан тўғри фойдаланиш сценарийнинг муваффакиятини таъминлайди.

Сценарий тузишда мусиқасиз ва қуй-қўшиқ жўрлигисиз дастур камдан-кам тузилади. Чунки қуй, қўшиқ, сценарийнинг озиғи хисобланади. Айниқса тарихдан таркиб топган миллий анъаналар урф-одатлар, расм-руслар, таомил маросимларнинг вужудга келиши, ҳар хил байрамлар ва шунга ўхшаш қатор омиллар сценарийси ўз-ўзидан мавзу ва характерга қараб мусиқа танлашни тақозо этади. Сценарийда мусиқа бош мезон саналади. Масалан тарихий воқеалар аксида миллий қуй ва охангларда фойдаланилади. Халқ қаҳрамонлиги ва ватанпарварлик мавзусидаги дастурларда жанговор руҳни жонлантирувчи оханглардан фойдаланилади. Лирик жараён ёки ғазаллар тасвирида енгил ёргуликни акс этувчи мусиқалардан фойдаланилса ўринли бўлади. Сценарий моҳияти ва мусиқий мутаносиблик

ўз-ўзидан бир-бирига боғлиқлик белгисидир. Сценарийнинг мазмуни ва мохияти замиридаги мусиқий мутаносиблик бир-бирига боғланиш, дастурининг бош мавзусидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Масалан сценарийда тарихни акс эттирувчи тарих кўринишлари ва образлари билан боғлиқ бўлган блоклардаги кўринишларга мутаносиб бўлиши учун халқимизнинг мусиқа меросига мурожат қилинади. Шу кўринишга монанд мусиқа танланади. Мусиқалар кўриниш пайтида фон орқали берилади ва зарур пайтда баландлиги ва пастлиги кўриниш ва холатларининг образларнинг мутаносиблиги билан баглик ҳолда амалга оширилади. Мусиқий безак сценарийнинг муваффақиятини таъминлайди. Чунки режиссуранинг олдинга қўйган мақсадини амалга ошириш мусиқий безак билан ўлчаланади ва сценарийнинг мазмун ва мохиятини белгилайди.

Сценарийдаги ҳар бир блокни ўзига хос мазмунига қараб мусиқий безак амалга оширилади. Болалар блоки ҳарбий ватанпарварлик блоки, мозийга назар сингари алоҳида мазмун касб этган блокларда ҳар бирининг руҳий тузилмаси ва воқеалар жараёни хамда дастур динамикасига қараб мусиқий безак амалга оширилади. Сценарий билан мусиқа мутаносиблигини яна бир муҳим томони шундаки, саҳна кўринишларини ёруғлик билан безаш ва ҳар хил рангдаги ёруғлик воситалари асосида саҳнавий ечимни амалга оширишда ҳам мусиқий безакнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Чунки ҳар хил кўринишдаги ёруғлик нурлари ва кўринишлари воқеа ривожини ва саҳнавий ечимини ёруғлик орқали амалга оширилишини таъминлайди. Бунда бевосита мусиқий безакни алоқадорлиги табиийдир. Хулоса қилиб айтганда сценарий тузилмасини дастурини амалга оширишда мусиқанинг ўрни алоҳида кўриниш касб этади. Сценарийнинг мазмун ва мохиятини томошабингга етказишда муваффақиятли чиқишини таъминлашда мусиқий ечим ва мутаносиблик муҳим ўрин тутади. Бу борада мусиқа сценарийнинг асосий қаноти деб тушиниш мумкин бўлади.

МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Сценарийда мусиқанинг ўрнини қандай тушунасиз?
2. Сценарий мохияти нима?
3. Мусиқа танлашда нималарга эътибор берилади?
4. Мусиқий безакни қандай тушунасиз?
5. Сценарийда мусиқа мутаносиблигини асосий омиллари нимада?
6. Хулоса.

НАЗОРАТ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Сценарийда мусиқанинг ўрни.
2. Сценарий мохияти ва мусиқа танлаш.
3. Мусиқа сценарийнинг безаги.
4. Хулоса.

СЦЕНАРИЙДА МАВЗУ ВА ФОЯНИНГ МУШТАРАКЛИГИ

Ҳар бир бошланадиган иш ўзининг аввалдан тузилган режаси билан бошлангандек сценарий тузишда ҳам мавзу асосида иш кўриш тақазо этилади. Аввало қайси мавзу асосида ёзиш зарурлиги танлаб олинади ва ана шу мавзунинг деталлари мазмуни қайси касб байрамлари хусусида эканлиги ва унинг мохияти ўрганилади. Шунга монанд сўзлар шеърлар куйлар танланади ва режиссура кўринишлари тахлил қилинади ва хомаки варианtlари ишлаб чиқилади. Мавзунинг танлашни аҳамияти шундаки мавзу сценарийнинг лейтматив

тузилмаси бўлиб хизмат қилади ва сценарийнинг бадийлик жиҳатидан мукаммалликка эришишида асосий омил бўлади. Ҳар бир сценарийнинг мавзуси асосида мазмун ва ғоя ётади. Сценарийнинг мазмун моҳияти унинг ғояси билан боғлиқлигидир. Аввало ғоя тушунчасига шарқ бериш зарур бўлади. Ғоя инсон тафаккурини маҳсули саналади ва инсонда мужассамланган ақл идроқ, тафаккур, ижодий қобиляти, унинг дунё қараши, барчasi ғоявий тушунчалар асосида таркиб топади. Шунинг учун мафкуравий жараёнда бош бўғин ғоя саналиб барча кўринишларни ўз ичига олади ва умумий мафкурага хизмат қилади.

Ғоя чуқур фалсафий мушоҳадаларни ўз ичига олади. Ҳар қандай тушунча, фикрлаш ва қарашлар ғоя бўла олмайди. Чунки шахсий фикр – ўзига хос бир қарашдир. Ғоя ана шу қараш ва муносабатларни харакатга, жараёнга зарурат туғилганда эса, бутун бир давр тарихига айлантиради. Муайян бир ғоя дастлаб бирон-бир шахснинг онгида пайдо бўлади. Айни пайтда у юксак ижтимоий мазмунга эга бўлгани, жамиятнинг тараққиёт йўлидаги эзгу интилишларини акс эттиргани боис умуминсоний ҳақиқатга айланади. Мафкуралар маъно-моҳиятига кўра фалсафий, дунёвий, диний таълимотлар асосида яратилади. Турли ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишида сиёсий ғоялар билан бирга диний оқимлар, фалсафий мактаблар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт барпо этишdir. Миллий истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, ҳар бир оила ва фуқаронинг муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон хаётга эришишга чорлайди. Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак гуманистик қадриятларни ўзида мужассам этади. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқади ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилади.

Сценарийда ғоялар асосида мавзулар тузилади ва улар орасидаги боғлиқлик сценарий охиригача давом этади. Мавзу ва гоянинг бир-бири билан боғлиқлиги давр мафкурасининг сиёсати асосида вужудга келади. Мафкуранинг тушунча асосида тузилган мавзу ва ғоянинг бир-бири билан боғлиқлик жиҳати бадийлик кўриниши билан омухталashiб кетади. Ғоя қанчалик таъсир этувчанлик хусусиятига эга бўлса мавзуга шунча тез ёндашади ва сценарийнинг муваффақиятини таъминлайди. Сценарийнинг таъсирчанлик кучи шундан иборатки, барча ижодий жараёнлар бирикмасидан хосил бўлган бадий жиҳатдан мукаммал кўринишига ва характеристега эга бўлган асарнинг мазмун моҳияти билан вужудга келади. Сценарийда ғоя ва мафкуранинг бирлиги гуманизм ва тараққиёт тамойилларини халқ тақдиридаги юксалиш заруритини акс эттиради, ўз навбатида мафкуранинг хам ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари бўлади. Ҳар қандай мафкура қўйидаги асосий мақсадларни кўзда тутади.

- Муаян ғояга ишонтириш;
- Уюштириш;
- Сафарбар этиш;
- Маънавий ва руҳий рағбатлантириш;
- Ғоявий тарбиялаш;
- Ғоявий умуминсониятни шаклантириш;
- Харакат дастури бўлиши;

Мафкура ўз олдига қўйилган шу каби мақсадларни бажара олсагина амалий самара бериши мумкин. Замон руҳи давр талаби бугунги истиқлол моҳияти ва мазмуни маънавий тарбияда ғоя ва мафкуранинг ҳамоҳангилигидан келиб чиқиб баркамол инсон тарбиясида амал қилиши зарур бўлган эҳтиёжлар деб кабул қилинади. Шу сабабдан сценарий тузишнинг асосий мақсадлари шу нуқталарга қаратилиш зарур деб тушунилади.

МУСТАХҚАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мавзу деганда нимани тушунасиз?
2. Сценарийнинг тузишда мавзунинг ахамиятини шархлаб беринг.
3. Фоясиз инсон бўладими?
4. Фоя нимадан пайдо бўлади?
5. Мавзу ва ғоянинг муштараклигининг шархлаб беринг.
6. Хулоса.

НАЗОРАТ УЧУН МАВЗУЛАР

1. Сценарий тузишда мавзунинг ахамияти.
2. Мавзунинг танлаш услугуб ва йўллари.
3. Фоя мафкуранинг бош бўғини.
4. Мавзу ва ғоянинг боғловчи омиллар.
5. Хулоса.

СЦЕНАРИЙДА БАДИЙ КОМПОЗИЦИЯНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Республикамида меҳнат қилаётган фуқароларни маънавий тарбиясини шакллантиришда, айниқса баркамол авлод тарбиясида уларни ижтимоий меҳнатини ташкиллашда маданий-маърифий муассасалар муҳим ўрин тутади. Меҳнаткашларнинг маданий ва бадиий савиясини оширишда, уларни хуқуқий, иқтисодий билимларини ўзлаштиришида ижтимоий-маданий фаолият мутахассисларининг ўрни бекиёсдир. Маданий-маърифий муассасаларда амалга оширилаётган барча тадбирлар омманинг маънавий, сиёсий маданиятини шакллантиришга қаратилгандир. Азалдан маданий-маърифий муассасалар оммани маънавий руҳда тарбиялашнинг воситаси бўлиб келган. Тарғибот масалалари, омманинг саводхонлик ва сиёсий билимлари, мустақиллик моҳиятини тушунтириш ва халқнинг буюк келажакка интилирувчи ишлар ижтимоий-маданий фаолият билан шуғулланувчиларнинг бош вазифаси саналади.

Ушбу барча йўналишларни сингдиришда оммага таъсир кучини ошириш борасида санъатдаги бадиий мезон етакчи восита саналади. Бадиийлик ўз маъноси билан безак яъни унинг гўзал томонларини безаклар асосида очиб бериш воситасидир. Бадиийлик композицион кўринишлар асосида ривожланади. Композицион кўринишлар сценарийнинг мазмун ва моҳиятини белгиловчи асосий мавзу орқали ифодаланади. Бадиийлик барча ижодий йўналишлар ва кўринишларнинг яхлит йиғиндисидир. Унинг асосида сахна асари ривожлана боради ва ўзининг қулминацион нуктасига етади. Сценарийнинг асосий мақсади ва вазифалар ечими аниқ мазмун ва кўринишлар орқали ифодаланади.

Сценарийда композиция хақида сўз кетганда унинг мазмунини ва моҳиятини тушуниш зарур бўлади. Композиция деганда сценарийдаги уйғунлик бир-бирига боғлиқлик тушунилади. Масалан сахна кўринишидан бошлаб сценарийдаги мазмун, режиссура ечими, актёр ёки қатнашувчилар ансамбли, ёруғлик манбалари, кийим кечаклар, мусикӣ безак сингари умумбадийлик келтириб чиқарадиган омилларнинг барчаси композиция яъни уйғунликни талаб қиласи.

Шундагина бадиийлик ўз номига монанд ривожланади ва ўз навбатида хал қилувчи омилга айланади. Композициянинг ечими унинг тузилемасига боғлиқ. Сахнавий кўринишдаги образлар мутаносиблиги, шеър ва ғазалларнинг мусикӣ охангларига йўғрилганлиги, бадиий жамоаларнинг дастурларини композициясига уйғунлашуви сценарийнинг бадиий композицион ечимини таминлайди. Сценарийни тузишда ва ёзишда ўз олдига композицион тузилмани хам келтириш зарур бўлади. Чунки хар бир кўриниш унинг мазмуни, бўлаётган

тадбирга алоқадорлиги, қайси касб байрамига ёки оммавий байрам шаклига мутаносиблиги, мусиқий ечими, иштирок этувчилар контингенти, барча ижодий жараёнлар бир-бирига боғланиб умумий бир яхлитликни яъни композицияни ташкил этади ва унинг мазмун ва моҳиятини белгилайди.

Масалан композиция тузилмасига мисол тариқасида мустақиллик байрамини олсак унинг мазмун ва моҳияти барчага аён лекин қандай композицион кўриниш касб этиши уни яратувчи ижодкорларига боғлиқ. Бадиий композицион кўринишлар қуидаги ижодий хамоҳангликни ўз ичига олади.

- Байрамнинг мазмун ва моҳияти, тушунчаси ва амалга ошириш йўллари
- Барча ижодий жараёнларнинг бир бири билан мутаносиблиги ва боғлиқлиги
- Сахна кўринишлари ва образлари талқини
- Мусиқий хамоҳанглик ва ўз ўрнида талқин қилиниши.
- Электр ёритгич асбобларининг кўрсатувлар ва сахнавий кўринишлар билан хамоҳангликни таъминлаш
- Умумий режиссура ва ижодий жамоаларнинг бир бирлари билан дастурлари асосини уйғунлашуви

Умумий дастурни омма билан боғлиқлиги ва унда кўпчиликни иштироки асосий мезон қилиб олинади ва дастур муваффақияти шу билан белгиланади. Хулоса қилиб айтганда сценарийда бадиий композицияни тутган ўрни алоҳида эътиборга молик бўлиб, сценарий дастурини муваффақиятли чиқишини таъминлайди ва барчага маъқул бўлишини амалга оширади.

МУСТАҚАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бадиийлик деганда нимани тушунасиз?
2. Сценарийдаги бадиийликнинг моҳияти нимада?
3. Бадиийлик ва композициянинг боғлиқлик томонлари нимада?
4. Композиция деганда нимани тушунасиз?
5. Композициянинг мазмун моҳияти нимада?
6. Хулоса.

НАЗОРАТ УЧУН МВЗУЛАР

1. Бадиийлик сценарийнинг муваффақият гарови.
2. Бадиийлик ва композициянинг боғлиқлиги.
3. Композиция тушунчаси ва мазмуни.
4. Хулоса.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ ВА НАВРЎЗ БАЙРАМ СЦЕНАРИЯЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Мустақиллик даврида асрлар давомида шаклланиб келган халқ байрамларини қайта тиклаш ва уларни оммавий тарзда нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди ва давлат миқёсида байрам қилинмоқда. Оммавий халқ байрамлари театрлашган томошалар тимсолида янги мазмун каб этмоқда. Ўтган қисқа вакт мобайнида бу соҳада ўзига хос тажриба тўпланди ва байрамлар билан боғлиқ янги санъат тури дунёга келди. Бу кенг миқёсларда нишонланадиган байрам томошаларидир. Айниқса Мустақиллик ва Наврўз байрамлари мамлакат миқёсида кенг омма иштирокида улкан томошалар кўламига айланиб бормоқда.

Мустақиллик ва Наврўз томошалари ўзининг кенг миқёсдаги кўриниши билан ўзида ўзбек халқи санъатининг энг нодир ютуқларини бирлаштиради. Бу томошалар шунчаки турли санъатлар, қўшиқ, рақс, асқия, миллий урф-одатлар, хаётдан олинган ходисаларнинг ёнма-ён, бирин-кетин берилиши эмас, балки уларни катта майдонларга мослаштириб, бадий қайта ишлаш, бир-бирига сингдириб мутаносиблик ва уйғунлик ҳосил қилишдир. Бинобарин, наврўз ва мустақиллик томошаларини ташкил этиш ва ўтказиш мохиятан бир-биридан тубдан фарқ қилмасада, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб кескин фарқ қилувчи кўринишлари билан жилоланади. Мустақиллик байрами кўпроқ сиёсий йўналишда бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол даврида қўлга киритган ютуқларини намойиш этишга қаратилган бўлса, наврўз байрами қадимий анъаналар ва урф-одатларни сақлаган ҳолда, замонавий пластик воситалар уларни гавдалантиришга йўналтирилган.

Наврўз байрами қадимий тарихга эга бўлгани сабаб уни нишонлашда қатор урф-одатлар ва маросимлар шаклланган бўлса, мустақиллик том маънода янги байрамдир. Наврўз байрамини нишонлашда асосий эътибор қадриятларни тиклаб, уларни ўрганиб, янги бадий шаклларда саҳнага олиб чикишга қаратилаётган бўлса, мустақиллик байрамларида асосан санъат ва ижтимоий хаётдаги ютуқларни намойиш этиш мақсад қилинмоқда.

Дунёда ўзига хос номга эга бўлган байрамлар жуда кўп. Ҳар бир халқнинг урф-одатига яшаш шароитига миллий тузилмаси, давлат сиёсатига қараб турли байрамлар кашф этилган. Лекин булар орасида шундай байрам борки, бу ҳар бир халқнинг, миллатнинг мустақиллиги билан боғлиқ бўлиб, бу байрам ҳар бир халқнинг эркинлигини, миллий ифтихорини, суверенитетини ифода этади. Шунинг учун мустақиллик байрами зўр шодиёналиқ билан байрам қилинади. Бизнинг юртимизда ҳам халқимизнинг хохиш иродаси туфайли эришилган бу улуғ сана энг улуғ байрам саналади ва бу мустақиллик кунини байрам қилинишидир. Аниқ бир сценарий асосида тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш талаб қилинади. Аввало мустақиллик байрамининг сценарийсини ёзишда ғоявийлик тушунчасига эътиборни қаратиш зарур бўлади. Чунки бу байрам сиёсий байрам бўлиб ҳар бир сиёсат замирида мафкура ва ғоя ётади. Унинг мазмун ва мохиятини ифодалайди. Шунингдек бизнинг мустақиллигимизнинг ҳам ғоявий мазмуни халқимиз эришган ва маънавиятимизни бош мазмунига айланган бугунги мафкурамизнинг мазмун ва мохиятидан келиб чиқади. Бунда халқимизнинг асрлар бўйи орзу қилиб келган мақсадлари, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлари, халқ хохиш иродаси ифодаланиши зарур бўлади. Буларнинг барчаси сценарийнинг ғоявий мазмуни пухта бўлишини тақозо этади. Мустақиллик байрами ҳар йили юқори савияда ўтказилганлиги натижасида тобора ғоявийлик, алоҳида режиссура ва мусиқий талқин омухталигида янги босқичга кўтарилимоқда. Янги-янги сценарийлар, режиссура ечимлари, янги йўналишдаги мусиқий дастурлар ишланмоқда ва тадбиқ қилинмоқда. Сценарийни амалга оширишда профессионализм ортиб бормоқда, буларнинг барчаси ижодкорлардан ижодий изланишни оммавий кўринишларга ва саҳналарга эътиборни қаратишни мусиқий мутаносибликни мослиги, энг асосийси сценарийнинг ғоявий мазмунига аҳамиятни қаратишни талаб этади. Мустақиллик сценарийсининг мазмун ва мохияти ана шундан келиб чиқади ва амалга оширилади.

Иккинчи бир улуғ байрам саналмиш Наврўз байрами ҳам ўзига хос мазмунга эга бўлиб бунда аждодларимиз минг йиллардан буён орзиқиб кутиб ҳар йили байрам қилган бу улуғ байрамни ҳам юқори савияда ўтказиш талаб қилинади. Халқимиз орасида Наврўзга аталган айтишувлар, алёрлар, лапар ва яллалар, халқона оҳанглар мавжуд бўлиб, барчаси наврўзниң мазмунан бойитишни ва ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Шоирларимиз наврўзга аatab жуда кўп шеърлар битишган, хонанда ва созандаларимиз қўшиқлар куйлашган, мусиқалар яратишган. Айниқса халқ фолрклор санъатига хос кўринишларда наврўз алоҳида мазмун касб этади ва халқнинг рухий кечинмалари, хаёт турмуш тарзини маънавий маданиятини ифодалайди. Наврўз байрамини ўтказиш оммавий тарзда бўлгани учун оммавий байрам сифатида қабул қилинади ва халқ билан бирга байрам қилинади. Бунда баҳор фаслиниң кўриниши, табиат уйғониши манзаралари, баҳор дастурхони, болалар

қувончи, кексалар хурмат-эътибори, аёлларнинг ўзига хос юмушлари, албатта шу билан бир қаторда халқ фолрклирига суюнган холдаги ижодий чиқишлари барчаси омухталик касб этади ва сценарийнинг муваффақиятини таъминлайди. Наврўз тарихий шароитда ҳар даврнинг ўзига хос кўринишлари билан байрам қилинган хозирги мустақиллик йилларидағи наврўз байрамлари ўзгача рух билан нишонланмоқда. Маълум пайтлар бир оз камситилган, диний байрам деб қаралган наврўз бугунги кунда истиқлол берган неъматлардан баҳра олган холда ўзига хос мазмун касб этмоқда, айниқса ҳар бир воҳа ва вилоятларнинг чиқишлари алоҳида кўриниш ва мазмунга эга бўлиб, халқларимизнинг турли урф-одатлари маҳаллий менталитети, фолрклор санъати, кийим бош кўринишлари, барчаси ўзига хос ижод намуналарини кўрсатмоқда. Хулоса қилиб айтганда наврўз байрами ўз тароватини кўз-кўз қилмоқда. Мустақил юртимизда яшаётган барча миллат вакилларига олам-олам қувонч улашмоқда ва зўр шодиёналиқ билан байрам қилинмоқда.

МУСТАҚИЛЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Мустақиллик деганда нимани тушунасиз?
2. Мустақиллик байрами ғоясини қандай англайсиз?
3. Наврўз байрамини ўзига хос хусусияти нимада?
4. Наврўз байрами билан омма орасида боғлиқлик нимада?
5. Хулоса.

НАЗОРАТ УЧУН МВЗУЛАР

1. Мустақиллик байрами энг улуғ байрам.
2. Мустақиллик байрами сценарий тузилишининг ғоявийлиги.
3. Наврўз байрамининг миллийлиги ва ўзига хос хусусиятлари.
4. Наврўз байрамидаги тадбирларнинг омма билан боғлиқлиги.
5. Хулоса.

СЦЕНАРИЙ ТУЗИШДА АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАК БЎЛГАН МУҲИМ ШАРТЛАР.

Сценарий асосидаги режаларни амалга оширишда ва ижодий йўналишларини белгилашда иштирок этувчи бадиий жамоалар мухим ўрин тутади. Сценарийдаги ҳар бир блокнинг тузилмасига қараб жамоаларнинг дастурлари ўрганилади ва тавсия қилинади. Масалан болалар блокини дастурида болалар жамоаларидан уларнинг ёши концерт дастурининг мазмуни ва мусиқий ечимиға қараб танланади ва ўз ўрнида фойдаланилади. Спорт ва ватанпарварлик мавзусидаги блокда ёшларнинг чиқишлари ўзига хос демократив кўринишларда кийим ва мардонавор руҳдаги мусиқа мутаносиблигида амалга оширилади. Тарихий мавзу алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, бунда аждодларимиздан мерос қолган маънавий бойлик, алломаларнинг образлари, сиймолари халқ мусиқалари фонида тасвиранади ва ижро этилади.

Халқ фолрклор санъатининг ижодкорлари ўз чиқишларида халқ мусиқий санъатининг ижорвий кўринишлари ва услублари асосидаги дастурларни намойиш қилишлари керак. Буларда эстрада блоки яъни хозирги замонавий мусиқа ёшлар эстрада ижроҷиларининг чиқишларида ҳозирги замон руҳига мос, мустақилликни, она ватанни тараннум этувчи лирик оҳанглардан тузилган концерт дастурларини хавола этиш, байрамнинг сценарийсини шукухини белгилайди, буларнинг барчаси биргалиқдаги ижодий йўналишни марказини ташкил этади. Сценарийнинг мазмунан бойитищда ва характеристерини очиб беришда мусиқа танлаш ва жойига қўйиш мухим аҳамият касб этади. Дастурнинг сўз

кўринишларида бирон сахна кўринишини, характерини очишда ўзига хос мусиқалардан фойдаланилади. Масалан ижровий тузилишига эга бўлган ҳар хил симфоник мусиқалар алоҳида мусиқа созларида чалинган руҳий кечинмалар акс этувчи чолғу куйлар, ҳалқ анъанавий мусиқа йўналишида ижро этилган куйлар хор жамоаси куйлаган ижодий намуналар ёрдамида ва асосида ҳар хил жанрлардаги ижровий намуналар орқали сценарий мазмунан бойитилади ва муваффакияти таъминланади. Сценарийни амалга оширишда ва муваффакиятини таъминлашда режиссура алоҳида аҳамиятга эгадир. Режиссёр ҳалқ тилида корформан яъни иш бажарувчи маъносини англатади. Замонавий режиссура аниқлик талаб этади. Ижодий кучларни харакати, сахнадаги мутаносиблиқ, мусикий жўрлик, электр ёритгичларни йўналиши, образли кўринишларнинг талқини, барчаси режиссура ижодий билан боғлиқ бўлиб, буларнинг барчаси биргалиқдаги ижодий йўналишларда ижро этилади ва сахналаштирилади.

Сўнгги йилларда бадиий оммавий байрамларнинг алоҳида режиссураси шаклланди ва унинг режиссёrlари етишиб чиқдилар Рустам Хамидов, Баходир Йўлдошев, Баходир Абдурахимов, Носир Отабоев, Марат Азимов, Абдурашид Рахимов, Баходир Сайфуллаев, Маннон Ҳамидов, Карим Йўлдошев, Рустам Маъдиев, Муҳаммадсоли Юсупов сингари режиссёrlар шулар жумласидандир.

Республикамизда ўtkазилаётган бош майдон томошалари, мустақиллик ва наврўз байрамлари, спорт анжуманлари, «Шарқ тароналари» ҳалқаро фестивали дастурлари ҳамда республикамиз миқёсидаги байрам томошаларини ўtkазишдаги муваффакиятли режиссура ана шу ижодкорлар номлари билан боғлиқдир. Мустақиллик ва наврўз томошалари 50 дан ортиқ давлатларга тўғридан-тўғри эфирга узатилмоқда. Буларнинг барчаси республикамизда оммавий байрамларни ташкил этиш ва ўtkазишда бирмунча тажриба тўпланганлигидан далолатдир. Хулоса қилиб айтганда барча ижодий кучларнинг ҳамкорлигига тайёрланган сценарий дастури ҳар қандай оммавий тадбирни муваффакиятини таъминлайди.

МУСТАҚАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Бадиий жамоалар дастурларининг ғоявий мазмунига қандай эътибор берилади?
2. Ижодий ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?
3. Дастурлар мазмунни ва моҳияти деганда нима назарда тутилади?
4. Мусиқавий ижро жанрлари деганда нимани тушунасиз?
5. Режиссура нима?
6. Ижодий ҳамкорликни моҳияти нимада?
7. Хулоса.

НАЗОРАТ УЧУН МВЗУЛАР

1. Сценарий тузишида бадиий жамоалар ва ижодий грухлар дастурларини инобатга олиш.
2. Ҳар бир дастурнинг мазмунан тузилишига эътиборни қаратиш.
3. Мусиқа танлашда ижровий йўналиш ва жанрларга эътибор бериш.
4. Режиссура билан ижодий кучларнинг ҳамкорликдаги ишларига эътибор қаратиш.

П-БОБ

БАЙРАМ СЦЕНАРИЙЛАРИДАН НАМУНАЛАР

«НУРГА ТҮЛ, ОБОД ВАТАН»

«НАВРҮЗ - 2003» БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН

БАДИЙ – ОММАВИЙ ДАСТУР

(2 СОАТ 30 Дақиқага мүлжалланган)

П Р О Л О Г

Талабалар шаҳарчасига қўйилган марказий саҳна байрамона безатилган. Ён атрофларга ҳар бир факултетга алоҳида жойлар ажратилган. Дастурхонларга баҳорий таомлар тортилган. Саҳнанинг орқа кўринишида ва ёnlарида, кўзга кўринарли жойларда Ватанни, баҳор ва меҳнатни, обод маҳаллани, меҳр-муруватни улуғловчи сўзлар ифодаланган ёзувлар кўзга ташланади. Саҳна тўрида Республикаиз байроби ва герби жой олган. Байрам томошаси бошлангунга қадар, радиокарнайлардан баҳар куйлари, наврӯзни тараннум этувчи қўшиқлар янграб туради...

Соат 10⁰⁰. Ҳамма ўз ўрнини эгаллади.

Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодировнинг «Фаслинавбаҳор бўлди» қўшиғи ижро этилади. Қўшиқдан сўнг майнин куй фонидан бошловчилар чиқиб келадилар.

Бошловчи:

(қиз) Айлабон лутфу карам, Наврӯзи олам келдилар,
Ўсмадан қоши қалам, Наврӯзи олам келдилар,
Бир ажиб ҳис уйғотар ирмоқчаларнинг хониши,
Куйлашиб савту ажам, Наврӯзи олам келдилар.

Бошловчи

(йигит) Лоладан лаъли, лаби, гул нектаридан бол тутиб,
Сўзлари ширин бирам, Наврӯзи олам келдилар,
Новдадан баргак ясад, гулларни чамбар айлади,
Мисли йўқ зебо санам, Наврӯзи олам келдилар.

Бошловчи

(қиз) Азиз дўйслар, устозлар, муҳтарам ватандошлар. Мана бир неча кунлардан буён биз интиқиб кутган Наврӯз шаббодалари юртимиз узра кезиб юрибди. Халқимизнинг бу тарихий байрами, зўр шодиёналик билан байрам қилинмоқда.

Бошловчи

(йигит) Ҳа, ҳар бир йилнинг таровати ўзгачадир. Мустақил ватанимизнинг ҳар бир баҳори ўзгача шавқ билан чирой очмоқда. Айниқса бу йилнинг наврӯз байрами, баҳор айёми ўзига хос маънога эга.

Бошловчи

(қыз)

Чунки баҳор деганда күз олдимизга гуллаган боғлар, бир-биридан чирой очаётган обод маҳаллалар келади. Наврӯз кунларида маҳаллаларда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг бир-бирига меҳрибонликлари, меҳр-оқибатлари ёрқин намоён бўлади.

ТАБРИК СЎЗИ.

Табрик сўнгидаги наврӯз байрами очик деб эълон қилинади. Республика мадҳияси янграйди. (мадҳияни барча ўринларидан туриб бирга ижро этсалар, қўлларини кўкракларига қўйиб туриб бирга куйласалар ўринли бўлади).

Табрик тугагандан сўнг саҳнага мусиқа садолари остида ранг-баранг миллӣ либослар кийган, соchlарига сочпопук, гуллар таққан қизлар чиқадилар ва майдонда кичик ва катта доиралар шаклида жойлашиб, қошлирига ўсма қўядилар, бир-бирларини соchlарини ўрадилар. Сўнгра ўринларидан туриб саҳнага кичик-кичик доира шаклида жойлашадилар. Валрс усулида қўшиқ ижро этилади. Қизлар доира шаклида валрс усулида ҳаракатланадилар.

«ТИНЧЛИК ҚУШЛАРИ» (қўшиқ)

Иномжон Турсунов шеъри
С.Маннолов мусиқаси

Солист: Шўх – шўх сайранг қушлар, қушлар
Баҳор келди яйранг қушлар,
Мустақил юрт осмонида
Эркин парвоз айланг қушлар.

Қизлар: Эзгуликка элчи бўлиб
Сиз тинчликни асранг, қушлар

Солист: Чор атрофлар чаман – чаман
Нурга тўлди обод Ватан,
Ғанимларни доғда қўйиб
Шодон – шодон куйланг, қушлар.

Қизлар: Эзгуликка элчи бўлиб
Сиз тинчликни асранг, қушлар

Солист: Ризқ – рўзимиз рамзи баҳор
Эзгуликнинг азми баҳор
Сиз меҳрга тўлиб – тўлиб
Тинч осмонда яйранг қўшлар.

Қизлар: Эзгуликка элчи бўлиб
Сиз тинчликни асранг, қушлар

Қўшиқ кучли ва шиддатли темпда ижро этилади. Қизлар мусиқага монанд ҳаракатланишиб, қушлар кўринишини акс эттирадилар. Қизлар қўлидаги бир неча

кабутарлар осмонга парвоз қиласы. Дехқон бобо бошчилегидаги қатнашчилар ярим ёй бўлиб турадилар. Дехқон бобо микрофон олдига келиб мурожаат қиласы:

Азиз фарзандларим! Мана кўпдан бери интиқиб кутганимиз наврўз ҳам қулоч очиб келди. Болаларим, наврўзимиз бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган байрам саналиб, азалдан халқимиз наврўзни зўр шодиёналил билан байрам қилишган.

Дехқонларимиз ерга дон қадаганлар. Уруш адватлар тўхтаган, гина кудратлар унтуилган. Одамлар бир-бирларига меҳр-шавқат, саховат кўрсатганлар. Шукрлар бўлсинким, биз улуғ истиқлол туфайли бу улуғ байрамимиз янгидан чирой очди. Фарзандларим, бугунги улуғ айёмда сизларни ота-боболаримиз анъаналарига содик қолишга, билимингизни ошириб, азиз халқимизга камарбаста бўлишга чақираман. Ҳар кунингиз наврўз бўлсин азиз одамлар!

«Саждагоҳимсан Ватан» қўшиғи ижро этилади.

Солист: Хилқатдан хазина топса бир гадо
 Сифингай гўё бу ер каъбатилло
 Кимгадир ватандир ададсиз сахро
 Сахро унга эрур жаннатдан аъло

НАҚОРАТ:
Ўзинг қиблам, ўзингсан каъбам
Саждагоҳимсан Ватан!

Солист: Ўз юртин тарк этиб, хиёнат қилиб
 Аламдан ўртанар бир ватангадо
 Ватаннинг бир сиқим тупроғи учун
 Жонимни берардим демиш бир доно

НАҚОРАТ:
Ўзинг қиблам, ўзингсан каъбам
Саждагоҳимсан Ватан!

Баҳорий очилиш даврини тараннум қилувчи куй янграйди.

Бошловчи:
(қиз) Ассалом ҳамюртлар, азиз меҳмонлар,
 Ассалом Наврўзбек, ассалом Баҳорий,
 Бу кун олам мунаввар бўлиб,
 Юртимиз янада очмоқда чирой!

Бошловчи:
(йигит) Шукроналар бўлсин, ўлкамда яна
 Шодон кезиб юрар фасли навбаҳор,
 Истиқлол шарофати ила
 Осмонимиз тинч ва беғубор!

Куй ва шеър фонида миллий либосдаги йигит-қизлар курсовида Дехқон бобо, Чучук момо, Баҳорий, Наврўзбек чиқиб келадилар. Йигитлар эгнига яктак кийган, қизларнинг эгнида атлас кўйлак, камзул кийишган. Қўлларида бойчечак, косада сумалак ва хоказолар.

Дехқон бобо рамзий дон сепади.

Чучук момо: (Иқбол Назаров шеъри)

Марҳабо, кўқдан харорат элчиси – наврўз гули,
Дилрабо кўклам, малоҳат элчиси – наврўз гули,
Ерга ишқий номасин ёғду билан ёзгай қуёш
Тухфаси сенсан муҳаббат элчиси – наврўз гули.

Бахорой: (Шокирхон Хакимий шеъри)
Айтинг, айтинг омонлик дил муддаоси наврўз
Айтинг элимга хушлик кўнглим зиёси наврўз

Наврўзбек: Қирларда лола сайли ўт ташлади юракка,
Ҳам қизчалар қўлида ёнган хиноси наврўз
Ҳамма суйиб баҳорни келинчак деб атарлар,
Алалхусус фаслнинг кенг ибтидоси наврўз.

Солист. Юртим букун сени тан олди жаҳон
Энди номинг мангу хур Ўзбекистон!
Келажаги буюк давлатсан Ватан!
Сенсан дилимдаги муқаддас достон.

НАҚОРАТ:
(Барча ўтирганлар ҳам қўшилади)
Ўзинг қиблам, ўзингсан каъбам
Саждагоҳимсан Ватан!

Сўнгра карнавал умумий концерти бошланди:
Бу концертда, таклиф қилинган таниқли хонандалар, танловда ғолиб бўлган талабалар, факулретлардан танлаб олинган дастурлар, спорт дастурлари, хажвий саҳналар намойиш этилади. Талабалар ўз рақслари билан иштирок этадилар.

БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТЛАР:

- | | |
|--|----------|
| 1. Пролог қисми | 30 минут |
| 2. Факулретлар дастури | 40 минут |
| 3. Спорт дастури | 15 минут |
| 4. Хажвий саҳналар | 10 минут |
| 5. Конкурс ғолибларини
тақдирлаш ва уларнинг ижролари | 25 минут |
| 6. Таклиф қилинган санъаткорлар | 30 минут |

УМУМИЙ ДАСТУР 2 СОАТ 30 МИНУТ ДАВОМ ЭТАДИ.

ТАМОМ.

«САЖДАГОХИМСАН ВАТАН!»

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 8 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ОММАВИЙ БАДИЙ ТОМОШО

С Ц Е Н А Р И Й С И

Майдоннинг ўртасига асосий саҳна ўрнатилган. Алоҳида эпизодларни ёритиш учун 8 та прожектор, ППР русумли кварцли ёритгич, 18 дона лазерли ёритгич (махсус вибратор тебратгичга қўйилган) ҳамда стробоскоп томошавий эфектлар ҳосил қилиш учун хизмат қиласди.

Орқа планда форматли киноэкран. Экранда, томошадаги зарур воқеа ва ходисалар билан боғлик бўлган кинокадрлар, қолган пайтларда эса, лазерли ёритгичлар ёрдамида рангли мусика намоён бўлади.

Майдоннинг бурчакларида, баландлиги 4 метрли минорасимон конструкциялар қад кўтарган бўлиб, уларга турли рангдаги байроқлар, энг юқорисида эса Ўзбекистон Давлат байроғи ўрнатилган. Конструкция турли рангдаги электр лампалари билан безатилган.

Орқа планда иллюминация мосламали улкан «8» рақами. Майдон тепасига тортилган симларга ҳам турли ранглардаги электр лампалари тортилган.

Турли соя (силуэтлар) ва бошқа саҳнавий эфектлар ҳосил қилишда ҳам, юқоридаги атрибулардан фойдаланилади.

П Р О Л О Г .

Соат _____. Мусикий чақириқ янграйди. Фонда диктор овози.

Биринчи бошловчи: Ассалом азизлар, келинг марҳабо!

Сизга шодлик ҳамроҳ бўлсин доимо!
Истиқлол байрами муборак бўлсин,

Она юрт ҳамиша нурларга тўлсин!

Иккинчи бошловчи: Азиз ва муҳтарам дўстлар! Мустақиллик байрамингиз қутлуғ бўлсин!
Сизларни истиқолнинг 8 йиллиги билан мубаракбод этамиз
ТАБРИК СЎЗИ

Барча чироқ ўчади. Прожектор нурида вилоят ҳокимининг табриги. Айни пайтда экранда мустақил юрт манзаралари.

- Викорли тоғлар.
- Кенг пахтазорлар.
- Хирмон.
- Тандирдан янги узилган нон.
- Дуога қўл очган бобо.
- Тарихий обидаларимиз.
- Бугунги курилишлар.

Табрик тугаганда Ўзбекистон Республикаси гимни янграйди. Экранда юзларида табассум билан камера томон келаётган кўплаб қизлар кўринади. Айни пайтда барча чироқлар ёнади ва майдонга рақс тушиб 400 қиз кириб келади.

I – БЛОК

«ҚАДИМ КАРВОНЛАР»

Биринчи бошлочи: Олис замонлардан келар карвонинг,
Сенга кўз тикмоқда бу қадим жаҳон,
Истиқлол байраминг муборак бўлсин,
Муқаддас диёrim, хур Ўзбекистон!

Чироқлар сўнади. Раққосалар ҳаракати ППР прожекторлари ёрдамида ёритилади.
Экранда:

- Аста кўтарилаётган қуёш.
- Қадим йўллардан келаётган карвон.
- Қадимий ипак йўли.

Фонда карвон қўнгироқлари товуши эшитилади. Сўнгра «Эй Ватан» вокал-хореографик композицияси бошланади. (Изоҳ: қўшиқ матни алоҳида берилади. Қўшиқ яккахон хонанда томонидан ижро этилиб, нақоратида хор жўр бўлади).

Экранда:

- Даҳшат билан бостириб келаётган ёғийлар.
- Саросимада қочаётган оломон.
- Ёнаётган кулбалар.
- Пайхон бўлган далалар.

Фонда:

- Отларнинг кишнаши.
- Қуролларнинг жаранглаши.
- Дўл ноғора овози.

ВОКАЛ – ХОРЕОГРАФИК КОМПОЗИЦИЯ ЛИБРЕТТОСИ:

Экрандаги аста күтарилаётган қуёш фонида, ракқоса қизларнинг осуда ва тинч ҳаракатлари намоён бўлади. Улар гул термоқдалар, дон сепмоқдалар, ҳосил йиғмоқдалар.

Раққосалар, гурух-гурух бўлиб, осмонга қушларни учирадилар. (Кушлар макети, юқорига тортилган симлар орқали парвоз қилиб, бир неча метр юқорида муаллак қолади. Кушлар парвозидан барча шодланади).

Шу пайт бостириб келаётган ёғийлар эпизоди бошланади. Экрандаги воқеалар саҳнага кўчади. Майдонга 100 та ёғий кириб келади. Булар мўғул истилочилари. Уларнинг саркардаси тахтиравонда савлат тўкиб келмоқда. Тахтиравонни 6 та қул кўтарган бўлиб, қўлларида қамчи ушлаган бир неча жангчи уларни вақти-вақти билан туртқиламоқда.

Прожекторларнинг тартибсиз нурида қочаётган, йиқилаётган одамлар, уларни қувлаётган ёғийлар кўзга ташланади.

Майдоннинг турли ерларига ўрнатилган уч оёқли қозонларда олов ёниб, кўкка ўрлайди, ҳаммаёқни тутун қоплайди.

Хозиргина парвоз қилган қушлар бирин кетин ёниб, ерга қулайди.

Ёғийлар одамларни гурухларга бўлиб, улар атрофида найзаларини кўтариб, ғалаба нашидасидан маст холда ўйин тушадилар.

Оломон ёғийлар қамалини ёриб чиқишга интилади. Шунда давра ҳам кенгаяди, шиддатли олишув бошланади, аммо ёғийлар уларни кесиб даврани яна зич холатга олиб келади.

Ёғийлар ўз саркардасининг оёғи остига, ўлжа олинган бойликларни келтириб ташламоқдалар. Бир неча ёғий, ёш жувонларни хайдаб келади.

Саркарда улардан бирининг юзидан ушлайди. Аёл унинг юзига туфлагач, саркарданинг имлоси билан аёлни қатл қилиш учун олиб кетишади.

Саркарда иккинчи аёлга яқинлашади. Аёл йўргақдаги боласини бағрига маҳкам босганча орқага тисланади.

Икки ёғий аёлнинг қўлларидан маҳкам тутиб, гўдакни тортиб олади ва саркардага беради.

Саркарда гўдакни даст кўтариб, ёнаётган оловга ташламоқчи бўлган бир пайтда тутунлар орасидан от чоптириб Жалолиддин Мангуберди ва унинг лашкарлари кириб келади.

Жалолиддин оловга улоқтирилган гўдакни ушлаб қолади ва нола чекаётган жувонга беради. Жанг бошланади:

Экранда:

- Жанг саҳналари.
- Қиличбозлик.
- Ўқ санчилиб йиқилаётган лашкарлар.
- Қочаётган ёғийлар.

Майдонда чекинаётган душманлар. Жанг саҳнаси майдонга кўчади. Мангуберди ва бошқа жангчилар ёғийларни қувлаб кетишади.

II ПРОЛОГ

«Нурга тўл, обод ватан»

Мусиқа фонида майдонга қушлар кийимидағи 120 нафар қизлар кириб келади. Улар гўдагини бағрига маҳкам босган аёлни кузатиб қўйишгач, қуй фонида рақс ижро этадилар.

Биринчи бошловчи: Кўп кунларни кўрди бу халқим,
Яна балқиб чиқди күёшим,
Мустақил деб эълон қилганда
Ватанимни азиз юртбошим!

Экранда:

- Республика Президентининг минбарда нутқ сўзлаётганини.
- Амир Темур хайкали.
- Қодирий, Чўлпон ва бошқа тарихий шахслар портрети.
- Қурилиш, тикланиш манзаралари.
- Чехраларида табассум ўйнаётган аёллар.

Иккинчи бошловчи: Бу йил эзгу йилдир, аёллар йили,
Аёл баҳт демакдир, аёл бу она,
Аёллар ҳаётнинг меҳригиёси,
Келажакка аёл эрур парвона!

III БЛОК

«АЁЛ ИЛА ГЎЗАЛДИР ОЛАМ!»

Экранда:

- Ҳамширалар.
- Тўқувчилар.
- Кексалик гаштини суроётган оналар.
- Ўқитувчи аёл.
- Гул тутган келинчак.

«Ёр-ёр» садолари остида майдонга келинчак ва куёв, уларнинг дугоналари ва дўстлари кириб келишади. Айни пайтда, қизиқчилар, полвонлар, акробатлар йўл – йўлакай ўз ҳунарларини намойиш этишади.

Кексалар ёшларни дуо қилиб, фотиха берадилар. Туманлар бадиий ҳаваскорлари жамоалари дастуридан 5-6 минутли «Базм» томошаси намойиш этилади.

Блок сўнгига, юқоридаги симларга тортилган ҳайнчалак

IV БЛОК

«БАХТЛИ БОЛАНГМИЗ, ВАТАН»

- Экранда:
- Ухлаётган чақалоқ.
 - Атак чечак қилиб юраётган гүдак.
 - Югуриб келаётган болалар.

Экранда воқеалар саҳнага кўчади. Майдонга 80 та бола югуриб чиқади. Уларнинг елкаларида капалак, ниначи қанотлари. Болалар гурухи «Гулдан-гулга қўнамиз» ҳазил рақсини ижро этишади. (Кўшиқ матни алоҳида берилади).

Болалар гўё капалаклар каби, майдоннинг турли ерларидағи гуллар атрофида айланадилар, қўнадилар, ҳайнчалакларга осилиб парвоз қиласилар. Бир неча бола қарға кийимида. Улар капалакларни чўқиб олмоқчи бўладилар. Аммо капалак ва ниначилар уларни қувиб юборадилар. Ракс сўнгида улар бутафор гулларни кенг ёйиб, майдондан чиқиб кетадилар. Куй давом этади ва тўсатдан узилади.

Биринчи бошловчи: Тинч эди бу замин, тинч эди ватан,
Ғаним хужум қилди юрга дафъатан!

- Экранда:
- Йиғлаётган оналар, гўдаклар.
 - Ташвишли чехралар.
 - Ёнаётган бинолар.
 - Шошиб кетаётган «Тез ёрдам» машинаси.
 - Югуриб кетаётган спецназ жангчилари.

V БЛОК

«ОГОХЛИККА Даъват!»

- Фонда:
- Метроном товуши.
 - Портлаш товушлари.

Иккинчи бошловчи: Тинч турагми аслида ғаним,
Ҳиёнат қиласиди улар ҳар маҳал
Юрга, юртбошимга қасд қилди улар
Тошкент... 16 – феврал!

Майдонда портлаш ҳолатлари акс этади. Ҳар ерда тутунлар кўринади. Ҳамма саросимада. Спецназчилар экрандан саҳнага кўчади. Қора кийинган, қўларида курол тутган бир неча қўпорувчиларни жанговор усуллар билан қўлга олиб чиқиб кетишади.

- Майдонда:
- Тиз чўккан аёллар нола қилмоқдалар.
Қора кийинган аёллар гир айланмоқдалар.

Экранда Республика Президенти И.А.Каримов. Унинг огоҳликка даъват килувчи сўзлари янграйди. Сўнгра майдонга барча ижрочилар кириб келади. «Тинчлик валрси» қўшиғи янграйди. Кўшиқ фонида барча рақсга тушади.

«Тинчлик валрси» дан сўнг, Э.Воҳидовнинг «Юртбошимга отилган ўқ менга тегсин» қўшиғи ижро этилади. Кўшиқ эстрада блокига уланиб кетади.

VI БЛОК

ЭСТРАДА БЛОКИ

30-40 минут давом этадиган эстрада блокида ватанни, аёлларни, баҳтли ҳаётни тараннум этувчи энг сара қўшиқлар ижро этилади.

Экранда:

- Қўшиқлар мазмунига мос кинолавҳалар намойиш этилади.
- Рангли куй тасвир (цветомузыка) усулидан ҳам фойдаланилади.

Фонда раққосалар рақслар ижро этиб борадилар.

Ф И Н А Л

Биринчи бошловчи: Байраминг муборақ, эй она халқим,

Кутмоқдадир сени нурли келажак,
Ҳамиша обод бўл она ватаним,
Ҳамиша озод бўл, гўзал масканим!

Барча иштирокчилар майдонга чиқадилар. Саҳнада яккахон хонандалар. Улар биргалиқда «ВАТАН СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР» қўшигини ижро этадилар. Уларга хор иштирокчилари жўр бўладилар.

Тантанавор ва шиддатли бу қўшиқ сўнгида осмонга юзлаб капитарлар ва ҳаво шарлари парвоз қиласиди.

Экранда Республика Президенти И.А.Каримов сиймоси намоён бўлади.

Прожекторлар парвоз қилаётган қушларни қузатиб қолади. Орқа планда мушаклар отилади.

ТАМОМ

«ВАТАН ЯГОНАДИР – ОНА ЯГОНА!»

**«НАВРЎЗ» БАЙРАМИГА АТАБ ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН
ОММАВИЙ – БАДИЙ БАЙРАМ**

СЦЕНАРИЙСИ

Марказий ўйингоҳ алоҳида режа асосида безатилган. Ўйингоҳга кираверишда, майдоннинг орқа планида Ватанни, онани, аёлни, баҳор ва меҳнатни улуғловчи хикматли сўзлар ифодаланган.

Майдоннинг саҳна вазифасини бажарадиган қисми алоҳида мато билан ўралган бўлиб, унга ҳайнчалак ўрнатилган.

Байрам томошаси бошлангунга қадар, радиокарнайлардан баҳор куйлари янграб туради.

Соат 10⁰⁰. да ҳамма ўз ўрнини эгаллади. Мусиқали чақириқ янграйди.

Айни пайтда майдонга ранг – баранг миллий либослар кийган, соchlари сочпопук, гуллар таққан қизлар чиқадилар ва майдонда кичик ва катта доиралар шаклида жойлашадилар. 30 нафар қиз майдоннинг турли ерларида «Қортепа» лар ҳосил қиладилар.

1 – ҚИСМ «ОНА ЯГОНАДИР»

Майнин куй янграйди ва фонда бошловчилар овози эшитилади:

Биринчи бошловчи: Ассалом ҳамюртлар, азиз меҳмонлар,
Ассалом Наврӯзбек, ассалом Баҳорой,
Бу кун олам мунаvvар бўлиб,
Юртимиз янада очмоқда чирой!

Иккинчи бошловчи: Шукроналар бўлсин, ўлкамда яна
Шодон кезиб юрар фасли навбаҳор,
Истиқлолнинг шарофати ила
Осмонимиз тинч ва буғубор.

Биринчи бошловчи: Ҳар миллатнинг дарғаси бордир,
Бир инсон бор, тинчликка посбон
Она халқим, элим баҳтимга
Юртбошимиз бўлсинлар омон.

Иккинчи бошловчи:
Азиз дўстлар! Ҳар бир йилнинг таровати ўзгачадир.
Айниқса, бу йилнинг Наврӯз байрами, баҳор айёми ўзига
хос маънога эга.

ТАБРИК СЎЗИ БЕРИЛАДИ.

Табрик сўзи тугагач «Уйғониш» хореографик композицияси ижро этилади. Композиция либреттаси.

Орқа планда тоборо кўтарилиб бораётган улкан қүёш кўринади. Қўёш табассум қилмоқда. Унинг шўх кулаётган кўзлари юмилиб-очилиб туради, ҳар томонга шўх боқади. Унинг «соchlари», яъни заррин нурлари енгил шабодада хилпирайди.

Тепадан осилиб тушган муз сумалаклар эрий бошлайди, томчилар товуши эшитилади. Бир неча қалдирғоч қўёшнинг атрофида чарх уриб парвоз қилади. Қушлар хониши, қалдирғочларнинг вижирлаши янграйди. Қаердандир турли шаклдаги, тули чехралар сурати чизилган вараклар кўкка учади.

«Кортепа»лар, «муз»лар эриб улар ўрнида яшил ниҳоллар, гуллар пайдо бўлади.

Майдонга жами 50 нафар күшлар, ниначи, капалаклар (болалар рақс гурухи қатнашчилари) учиб келишади ва гулдан гулга парвоз қилиб, рақс тушишади.

Күшик давомида осмонга қушлар парвоз қиласы. Капалак, ниначи, қушлар рақси давом этади.

Күшик тугагач, бурғулар товуши янграйди ва акапелла ижросида хурфаришталарнинг овози эшитилади. Бу товуш тоборо кучайиб боради.

Унга гулдириб келаётган арава овози қўшилади.

Майдонга отлар қўшилган аравада Момо Ҳаво кириб келади. Унинг атрофида яшил либос кийган, ниҳол, жайрон, оху болаларининг, баҳор неъматлари солинган саватча ва лаганларни, гуллаган бодом, олма шохчаларини тутган қизлар бор. Момо Ҳавога гуллар, күшлар ва капалаклар пешвоз чиқадилар ва унинг пойига гуллардан поёндоз соладилар.

Биринчи бошловчи: Дунё мўжизадир бетакрор,

Мұжизадир бунда ҳаёт ҳам,
Аждодлардан қолған хикмат бор.
Ягонадир қүёш, она ва ватан!

Иккинчи бошловчи: Эзгуликка олам мунаввар,

Абадийдир унда ҳақиқат,
Фарзандингмиз, сенинг бағрингга
Талпинамиз, она табиат!

Момо Ҳаво саҳнага етиб келиб, аравадан тушади. Акапелла ижроси авжига чиқади.

Momo Xabo:

Бугун шодман, қалбим гўзал ҳисларга тўлгандир лим-лим. Атроф фусункор. Ҳамманинг дилида шодлик ва кувонч, эртанги кунига чексиз ишонч! Бунинг боиси эса – баҳор! Баҳор эса доим бетакрор!

Айтгандай, менинг момо қизларим қані? Бибихоним, Увайсий, Тұмарисим, Равшанагим, Нодирабегим. Ҳар гал оламни қишиңдер үйқусидан үйғотгани келганимда уларни күрмай кетолмайман. Қанисиз, момоларим?!

Саҳнани паға-паға булутлар қоплади. Куй товуши кучаяди. Булутлар тарқаганда саҳнада тарихий сиймолар – Тўмарис, Равшанак, Бибихоним, Нодира ва Увайсийлар кўринади.

Ҳамма: Ассалому алайкум, Момо Ҳаво!

Ҳамма: Раҳмат, Момо Ҳаво!

Момо Ҳаво: Тўмарисим, Равшанагим, айтингиз, не гап?!

- Тўмарис: Оллоҳга шукурким, элу юртим тинч, халқимиз хўб шоддир, билмас не ўкинч!
- Равшанак: Қанчалар ҳаракат қилса ҳам ғаним, Танлаган йўлидан қайтмагай халқим!
- Момо Ҳаво: Баракалла! Бибихоним, Сароймулхоним! қандай янгиликлар сизда бор жоним?!
- Бибихоним: Ўз эркига эришди, бу қадими юрт, Эрк туфайли элимда барака ва қут, Соҳибқирон руҳини ёдлашар мудом, Қаддини тиклади, таниди жаҳон!
- Момо Ҳаво: Бағоят шодмен, Нодирабегим, Увайсий қизим, янги ашъорлардан бир ўқиб беринг!
- Увайсий: Бош устига.
Дунёни бу кун давр ила даврони ғанимат,
Келтурди ҳалойиқники меҳмони ғанимат,
Бу шавкату шаънининг худойим насиб этди,
Давлат нигуни тахти Сулаймони ғанимат!
- Нодира: Қилмагил зинҳор изхор эҳтиёж,
Ким азиз элни қилур хор эҳтиёж
Гар тиласен обрў ахбоб аро
Айлама зинҳор изхор эҳтиёж.
- Момо Ҳаво: Ойбарчин қизим нечун мунча хомушсан, қара олам қанчалар гўзал,
Баракалла, ширин қизларим,
Осмондаги ой, юлдузларим,
Бу юрт бўлсин доимо чаман,
Мусибатни кўрмасин олам
- Ой барчин: Ха, борлиқ гўзал, фақат бир нарса етишмайди.
- Момо Ҳаво: Нима экан у.
- Ойбарчин: Алпомиш.
- Узокроқдан Момо Ҳавонинг овози янграйди.
- Момо Ҳаво: Бу ўлкада яшна, эй, баҳор,
Канот қоқгил эпкинлар сари,
Сени кутар Ойбарчинлару,
Марди – майдон Алпомишлари.

Яна акапелла янграйди. Саҳнани тағин булутлар қоплайди. Булут тарқаганда Момо Ҳаво ва тарихий сиймолар қўздан йўқолади.

Яна паға – паға тутунлар саҳнани ўрайди. Тутун тарқаганда, тарихий сиймолар кўздан ғойиб бўладилар. Айни пайтда, «Алпомиш туғиб бер, келинжон!» қўшиғи янграйди.

2 – ҚИСМ

«БУ ЙОРТ АЛПОМИШУ – БАРЧИНЛАР ЙОРТИДИР!»

Иккинчи бошловчи:

Эй, оналар, сизсиз ҳаёт бўлурми,
Сизсиз ҳаёт шундай обод бўлурми,
Гар бўлмаса сиз баҳш этган муҳабат
Алпомишу, Тохир, Фарход бўлурми?!

Қўшиқ тугагач, қизларнинг қийқириғи, кулгуси янграйди. Майдонга бир-бирини қувлаб 40 қиз ва Барчиной кириб келадилар. Баъзи қизларнинг қўлида сувли қўзалар, баъзиларида гул тўла саватлар.

Улар шўхлик қилиб, бир-бирларига сув сочишади, қувлашади. Фақатгина Ойбарчин уларга қўшилмайди.

1 қиз: Маликам, нечун бунча хомушсиз?! Қаранг, олам қанчалар гўзал! Гуллар, күшлар, мовий осмон...

Ойбарчин: Ҳа, борлиқ гўзал фақат бир нарса етишмайди...

2 қиз: Нима экан у?

Ойбарчин: Эҳ, сизлар буни билмайсизлар.

3 қиз: Мен биламан.

Қизлар: Нима?! Нима етишмаяпти экан?

3 қиз: Э, шуниям тушунмайсизларми? Ойбарчинга Алпомиш етишмаяпти!
Хаммалари кулиб, қийқириб Ойбарчинни даврага судрайдилар.

Қизлар: Алпомиш албатта келади!
Ёғийларни саваб келади!
Ойбарчинни кўзлаб келади!
Севгисидан сўйлаб келади!
Тоғ ортидан бўйлаб келади!
Тўй базмини ўйлаб келади!

Ҳамма: (куйлаб) Келди Наврўз ўзга тусда, тез келур ёр ўзгача
Яйрасин қизлар бўлакча, сайрасин соз ўзгача
Навбаҳор айёмин завқи қувончи ўзгача
Барча қизлар ёридан, Барчиннинг ёри ўзгача
Барча қизлар ёридан-о, Барчиннинг ёри турфа ким
Пахлавонлик бобида-ё, дунёда мумтоз ўзгача.

Кизлар ва йигитларнинг ҳаракатларида барчанинг кўнгилини кўтариш, уни оғир ҳаёллардан четлатишга уннаётганликлари сезилиб туради. Шу пайтда от туёқларининг овози эшитилади ва отлик йигитлар билан Алпомиш кела бошлайди.

Ойбарчин: Алпомиш!

Алпомиш: Ойбарчин!

Ҳамма: Алпомиш! Алпомиш!

Алпомиш (келиб): Наврўзинг қутлуғ бўлсин, Ойбарчин!

Ойбарчин: Сизга ҳам наврўз баҳт келтирсин.

Шунда Алпомиш уни даст кўтариб, аркка ўрнатилган халинчалакка ўтқазади ва учира бошлайди. Қизлар ва йигитлар қийқиради. Қолган халинчалакларга ҳам қизлар ўтирадилар. Айтишув давом этади.

З йигит: Адирларда марайдиё қўй боласи,
Осмонда бир юлдуз бора, ой боласи.
Қуш қўндиё, кимга қўнди, қизга қўнди
Гўзалларнинг энг гўзали гуллоласи!

З қиз: Адирлардан тўлиб – тошиб сой келади,
Кунга йўлдош бўламан деб ой келади,
Қушлар қўнди, кимга қўнди, мардга қўнди
Алпомишу Ойсуловга тўй келади.

Алпомиш: Ойбарчиним ёр – ёр
Гулбарчиним ёр – ёр
Ғам ғуссани қувгилу
Кул Барчиним ёр – ёр
Тоғ чўққиси қор – қор
Қорда нима бор – бор,
Кел бағримга, Барчиним
Айтишайлик ёр – ёр.

Ҳамма: Сизни кутиб Барчиной бўй бўлибди ёр – ёр
Бу кун фасли навбаҳор, тўй бўлибди ёр – ёр.

Ойбарчин: Олам нурга тўлибди, ғамни ювиб ёр – ёр,
Алпомишим келибди ёвни қувиб ёр – ёр.

З йигит: Дутор чертиб қизларга ҳазил – ҳузил қилиб қўшиқ айтади.
Томорқада толинг бор, ёр – ёр эй
Қизга етар молинг бор, ёр – ёр эй
Қизни олсанг танлаб ол, ёр – ёр эй
Биттагина жонинг бор ёр – ёр эй.

Қизлар: Нима, нима?!

3 йигит: Бугун севиб, эртага ўқлов билан қувмасин,
Тегиб олгандан кейин сочларингни юлмасин.

Кизлар: Нима, нима?! Ҳали шунақами?! Мана бўлмаса?!

Улар мешлардаги сувни 3 – йигитга сочадилар. Кулгу, қийқириқ, 3 – йигит гир айланаб қочади.

3-йигит: Вой ҳазиллашдим! Тавба қилдим! Бўлди!!!

Ҳамма: Доимо баҳор бўлсин,
Ёр – ёр – ёр – ёрей,
Ёрим вафодор бўлсин,
Ёр – ёр – ёр – ёрей,
Баҳт келтириб янги кун
Ёр – ёр – ёр – ёрей,
Дўсту ёрон бор бўлсин
Ёр – ёр – ёр – ёрей,

3 – ҚИСМ «ТЎЙЛАР МУБОРАК»

Бир гурӯҳ йигит ва қизлар Алпомиш ва Ойбарчинни тахтга айланган ҳайнчаликка ўтказадилар. «Тўйлар муборак» қўшигини айтиб, санъаткорлар кириб келадилар. Ўйин кулгу бошланади. Тўйга келаётган бадиий жамоаларни бир неча йигит кутиб кузатиб турмоқда. Ҳар бир жамоа ўз тўёнасини топшириб (бири от, бири совут ва қалқон, бири чолғу асбоби, бошқаси нақшинкор қути, бешик ва ҳ.к.) ўз дастурини намойиш этади.

Ора-сира товушлар янграб турибди.

- Э, хуш келибсизлар, Қўқонлик биродарлар!
- Қани, қани, тўрга!
- Қалай, Боғододлар тинчми?!
- Ие, Олтиариқни бодрингги пишибди-да?! Турпданам борми?!

Ушбу қисми сўнгиди, ҳамма «Ёр - ёр»ни куйлади. Саҳнанинг орқа қисмida чимилидик пайдо бўлади.

Янгалар ва йигитлар Алпомиш ва Барчинойни чимилидикка кузатиб қўядилар. Айни пайтда карнай-сурнай, доира ва ногоралар овози янграйди.

ИЗОҲ: Ушбу блокда, асқиялар, халқ миллий спорти ва санъати элементлари, баҳшиларнинг чиқишидан ҳам фойдаланиш мумкин.

4 – ҚИСМ

«СЕНИ АРДОҚЛАЙМАН, ЎЗБЕКИСТОНИМ»

Эстрада блоки. Бунда вилоятимиздаги таниқли хонандалар ўз гурухлари билан янги күшиккларини ижро этадилар.

Сүнгги хонанда ўз қўшиғини ижро этаётганда, барча иштирокчилар майдонга чиқадилар. Олдинги планда яккахон хонанда _____ . Қолганлар майдон узра бир тартибда ҳаракатда бўладилар.

Хонанда: Ғафлатда қолмайын, одамлар ногох,
Огох бўлинг, огох бўлинг, бўлинг огох!

Күшигини хор иштирокида ижро этади. (Күшик матни қўшимча берилади). Кўшик оркестрнинг шиддатли чиқиши билан яқунланади.

ФИНАЛ.

Кимдир ўз ватанин бурдалаб сотар
Кимдир ўз халқыга танмай тош отар
Лекин букилмагай асло ҳақиқат
Показайд бўлмангиз эй одамлар фақат

HAKOPAT:

Офатлар келмасин десангиз ногох
Огох бўлинг, огох бўлинг, бўлинг огох,

Номарднинг бўлмагай эли ватани
Марднинг букилмагай ғуури шаъни
Юртимга кўз тутди бу кун кенг жаҳон
Саждаохим она юртим доим бўл омон

HAKOPAT:

Балолар босмасин десангиз ногох,
Огох бўлинг, огох бўлинг, бўлинг огох,

Үлкемдә ҳамиша яшнасин баҳор,
Болалар дуоси бизга доим ёд.
Буюк келажакка диллар интизор
Мустақиллик бизга энг эзгу шиор

• HAKOPAT:

Ғанимлар келмасин десангиз ногох,
Огох бўлинг, огох бўлинг, бўлинг огох,

TAMOM.

«ТУРКИСТОН УМУМИЙ ҮЙИМИЗ»

(БАЙРАМ СЦЕНАРИЙСИ)

МУКАДИМА

Майдон махсус сахна асосида байрамона безатилган. Махсус панноларда мустақилликни, халқлар дўстлигини тараннум қилувчи ёзувлар акс этган. Майдоннинг энг кўзга кўринарли жойига мамлакатимизнинг президенти И.А.Каримовнинг «Туркистон умумий уйимиз» деган сўзлари ёзиб қўйилган. Туронзамин халқларининг азалий бирлигини ифодаловчи шиорлар осилган. Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон миллий байроқлари ва герблари билан безатилган.

Майдон ўртасидаги сахна атрофларига қўшни халқлар ўтовлари қўйилади. Миллий кийимларда йигит-қизлар ўз ишлари билан машғул бўлишади. Байрам тантаналар бошлигунга қадар радиокарнайлардан ўзбек, қозоқ, туркман, қирғиз, тожик куйлари янграб туради.

Соат 17⁰⁰ да барча меҳмонлар ўз жойларини эгаллайдилар.

Биринчи бошловчи: Буюк қисматлардан яралган жоним.

Бобурий имконим, Темурий қоним.
Улуғ аждодлардан мерос маконим
Отажоним, Туркистоним, Турунум
Байраминг муборак Ўзбекистоним!

Иккинчи бошловчи: Қутлуг ўтмиш келажакка боқажак,

Қутли юртда иқбол мангубалқажак.
Оққан дарё яна такрор оқажак
Онажоним, Туркистоним, Турунум
Байраминг муборак Ўзбекистоним!

Биринчи бошловчи: Ҳам фаҳрсан, ҳам шухрат, ҳам онасан

Марказий Осиёда дурдонасан.
Жон-жаҳоним сен бу юрт Фарғонасан
Нур маконим, Туркистоним, Турунум
Байраминг муборак Ўзбекистоним!

Иккинчи бошловчи:

Азиз дўйслар, муҳтарам меҳмонлар, тенглааро тенг, азиз саждагоҳимиз, муқаддас Ўзбекистонимиз истиқтолини байрами билан сизларни чин юракдан муборакбод қиласиз.
(Табрик нутқи айтилади)

I – БЛОК

«МОЗИЙГА НАЗАР – ЎТМИШИМИЗ БУЮК БЎЛГАН»

Сахна орқа планида Фарғона дарвозасининг макети. Унинг ёнларида ўтовлар қад кўтарган. Белгиланган вақтда метроном овоздлари янграйди. Акопелла ижро этилади. Майдонга улкан арава кириб кела бошлийди. Араванинг ўртасида – ёпик нилуфар гули. Уни, тиз чўкиб ўтирган 12 та яшил либосли қиз ўраб олган. Арава атрофида оқ, қизил, сарик, кўк либосли 240 та қиз келмоқда.

Улар атрофида 40 та сарбоз саф тортиб келмоқда. Икки қатор бўлиб турган навкарлар уларни кутиб оладилар. Майдондаги қизлар эса, арава яқинлашган сари, гул каби шакл эгаллайдилар. Арава сахна олдига етиб келади. Сарбозлар нилуфарни кўтариб сахнага олиб чиқишади. Яшил либосли 12 қиз ҳам улар ортидан сахнага чиқади. Нуруний момо ва бобо кўринади.

Бобо: Азалий қариндош ўзбеку, қозок,
Тожик, туркман, қирғиз оғалар иноқ
Дўстлик, биродарлик қўшиғи янгрок,
Туркистон – уйимиз, учавер хумо!

Ҳамма: Туркистон – уйимиз, учавер хумо!

Момо: Мустақил эллармиз, юрагимиз бир,
Тарихимиз кўхна, тақдиримиз бир.
Ҳамиша орзумиз, тилагимиз бир
Туркистон – уйимиз, учавер хумо!

Ҳамма: Туркистон – уйимиз, учавер хумо!

Бобо: Ҳамманинг дилида ягона ўтинч,
Тинч бўлсин она ер, само бўлсин тинч,
Барча эл, элатлар қалбидан севинч
Туркистон – уйимиз, учавер хумо!

Ҳамма: Туркистон – уйимиз, учавер хумо!

Бу сўзлар давомида нилуфар гулбарглари аста очила бошлайди. Сўнг унинг ичидаги Хумо кўринади. Хумо қуши аста қанотларини ёяди.

Ҳамма: Туркистон – уйимиз, учавер хумо!

Хумонинг рақси бошланади. 12 қиз унинг атрофида доира шаклида рақс ижро этади. Бу рақс баҳт, эзгулик ва озодликни ифода этади.

Рақс авжида, тўсатдан дўл ногора овози янграйди, қилич ва қалқон жарангчи, от кишинаши эшитилади. Саҳнага писганча ёвлар – қузғунлар кириб келишади. Дарвоза ортидан аланга, бурқсиган қора тутун кўринади. Қизлар Хумони ҳимоя қилиб ўраб оладилар. Фондаги қизларга ҳам ёвлар хужум қилишиб уларни ўраб олишади.

Саҳнадаги қузғунлар қизларга ташланадилар. Ниҳоятда, қизлар турли ҳолатларда қотиб қолишгач, Хумога ташланадилар. Хумо саҳна ичидаги чарх уриб айлана бошлайди, қузғунлар эса уни ҳар томондан чўқийдилар. Ниҳоят улар ана шу ҳолатда «қотиб» қоладилар.

(I – стоп кадр)

От чоптириб ёш навкар келади. У отдан тушиб, қилич яланғочлаб саҳнага чиқади. Бир неча ёв унга хужум қиласди. Шунда навкарнинг дубулғаси тушиб кетади. Унинг узун қора соchlари тўпифигача тушар эди. Бу ёш ва гўзал аёл – Равшанак эди.

Ёвлар: Воҳ – воҳ – воҳ!
Хатин экен-ку!
Ушла уни!

Аёл улар билан жанг қила бошлайди. Аммо ёвлар кўпчилик эди. Аёл дарвоза ичига чекинади ва эшикларни ёпиб олади.

Ёвлар эшикни бузалмагач, узун нарвон келтириб, дарвоза устига чиқмоқчи бўлишади. Дарвоза устига чиқиб олган аёл, ёвларга харсанг тошларни улоқтира бошлайди. Нарвондан чиқаётган ёвлар аёлни ушламоқчи бўладилар.

Аёл: Мендан рози бўл, халқим!
Ўзинг мадад бер оллоҳ.
Аёл ўзини пастга отади.

Ёвлар: Ув – в!
Мардлигини қара-я!
Жүк! Бундай элни енгиб бўлмайдур!

Ёвлар аста кетадилар. Сарбозлар найзалардан қилингандын замбар устида ётган аёлни күтариб ўтишади. Унинг қўллари осилган, узун соchlари ерни супуриб бормоқда.

Диктор: Чимирилди қаро қошларинг,
Ерда қолди қаро соchlаринг
Ватаним деб шахид бўлган Равшанак,
Шон – шаъним деб шахид бўлган Равшанак!

Яна күзғулар. Улар Хумога хужумни давом эттиришади. Улар Хумонинг қанотларини қайриб синдиришга ҳаракат қиласидилар. Ниҳоят Хумо мажруҳ бир ҳолда қолади.

Диктор Олислардан келди бир садо
Юракларда қолди бир нидо,
Истиқолим ўзинг, шон – шаъним ўзинг
Сени асрагаймиз, баҳт қуши Хумо!

Майдонга арава кириб келади. Ёнда ёғоч кафас бор. Аравани ёвлар қўриқлаб келишмоқда. Аравадаги қафас ичидаги навкар. Арава сахна олдига келгач, ёвлар навкарни олиб тушадилар. У занжирбанд килинган. Уни судраб, сахнага олиб чикишади.

Сахнага ёвлар шохи чикади.

Шох: Сен чиндан мард ўғлон экансан. Кел, мен билан бўл. Сени лашкарбоши этиб тайилайман, бошингдан зар сочгайман. Энг гўзал қизларимга уйлаб, энг зўр касрни бергаймен

Навкар: Нахот озодлик, эркни сени салака кильмокчи бўлган нарсаларга алмаштирасам?

Шоҳ Ўз жонинг ачинмайсанму?

Навкар: Жондан ҳам азизроқ нарсалар бор дунёда. Бу ватан, шу тупроқ халқ ва озодлик! Барибир шу юртим, халким озодликка чикажак!

Шох: Қайсаң экансан.
Навкар кишанларни тортабошлайды. Ёвлар унинг ортидан судралиб борадилар.

Шох: Йўқотинг! Тезроқ йўқотинг уни! Ёвлар хар томондан унга найза санчадилар.
(Стоп кадр)

Навкарлар ҳалок бўлган йигитни кўтариб ўтадилар. Қора кийган қизлар марсия овозлар остида уни кузатиб қўядилар.

Яна Хумо сахнаси

1- диктор: Юртимга бостириб келганда душман,
Хавфу – хатарларда қолганда ватан,
Қузғуларга макон бўлганда чаман
Истиқлол деб қилич кўтарди халқим

2 – диктор: Истиқлол деб жон берди мардлар,
Мардларни кўрганда чекинди хатар
Ватанин севганлар қучади зафар
Истиқлол деб қилич кўтарди халқим!

Майдонга Алпомиш, Манас ва бошқа халқ қаҳрамонлари кириб келадилар. Уларнинг ёнларида сарбозлар.

Диктор: Бу қадим Туронда баҳодирлар кўп,
Гўрўғли, Афросиёб мард эрдилар хўб,
Манасу, Сухроблар халқнинг тилида
Элни севганларнинг доим дилида.

Кўп армонлар кўрдинг эй халқим
Бу кун истиқлолда топдинг ўз қадринг
Гоҳо Дукчи эшон, гоҳида Широқ,
Гоҳ Қурбонжон Додҳоҳ бўлиб курашдинг

Саҳнада жанг бошланади. Ёвлар чекинадилар, қаҳрамонлар Хумонинг олдига келадилар. Уни авайлаб кўтариб, қанотларини ёзишга ёрдам берадилар.

Тантанавор куй садолари остида Хумо кўкка парвоз қиласи ва дарвоза устига кўнади ва қанотларини ёйган ҳолда қолади.

1-диктор: Оналар тилаги, учавер, Хумо
Бу озод осмонни қучавер Хумо
Ҳамиша ёр бўлсин сенга истиқлол,
Борлиққа баҳт нурин сочавер, Хумо!

2-диктор: Ҳамиша тўй бўлсин ватанимизда
Истиқлол яшасин масканимизда
Буюк келажакка интиқ доимо
Туркистон – уйимиз, учавер Хумо!

Ҳамма: Туркистон – уйимиз, учавер Хумо!

Карнай, сурнай овозлари янграйди. Майдонга ҳар томондан Жомий, Махтумқули, Абай, Бердахлар кириб келишади.

Дарвоза ичидан Навоий ва Ал-Фарғоний чиқиб келиб, уларни кутиб олади.

Навоий: Марҳабо, эй азиз устозим Жомий,
Ассалом, эй Бердаҳ, эй Махтумқули.
Хуш келинг, марҳабо Абай оқсоқол
Бугун қутлуғ тўйдир, тўйи истиқлол!

Яна парвоздадур эрк қуши Хумо
Янграңыда қүшиқ, янграгай наво
Барча туркий эллар дүстидир доимо
Туркистан – уйимиз, учавер Хумо!

Хамма: Туркистан – уйимиз, учавер Хумо!

Навоий: Ассалом, эй Туран баҳодирлари, мулки турон алломалари, бугунги қутлуғ айёмда барча дүстларнинг жам бўлиши, ота – боболаримиз биз учун мерос қилиб қолдириб кетган бу қутлуғ заминнинг биргаликда асраш анжумани сизларнинг қутлуғ қадамингиз хосиятиндадир. Қадамингизга ҳасанот азиз юртдошлар!

Ал-Фарғоний: Мен Ал-Фарғонийдурменким, алжабр, фалакиёт илмларининг султони сифатида Боғдоду шарқда машхури жаҳон бўлсамда, тахаллусим или ўзим таваллуд топган Фарғона заминини бутун оламга танитдим ва шу муқаддас тупроқни ифтихор туйғуси или қалбимга жо этгандурмен.

Навоий Жомийга мурожаат қиласи:
Ғазалларингизга муштоқмиз устоз, мушоирани ўзингиз бошлиб берсангиз.

Жомий: Бажонидил, ҳазрат!
(қўшиқ тарзида ижро этилади).

Баяк карашма Зулайҳо дили ваше моро
Чунон лабудки Юсуф дили Зулайҳоро
Фигонки мурғи дилам сайди туғи надо нест
Ки болу пар шиканааст мурғи ришта бал паро
Ҳалоки Жомий дилхаста он караста
Ба шакли шева сувфа сарви бол оро.

Атрофдан овозлар: раҳмат бор бўлинг устоз.

Навоий: Абай оқсоқол марҳабо!

Абай: Қозогим, шўрлик юртим вайрон юртим
Қоронғида йўл тополмай ҳайрон юртим
Ёмон билан яхшини фарқ қилолмай
Оғзида ҳам қон, ҳам мой сарсон юртим
Қозогим, ўз – ўзингни ўнгламасанг,
Бе баҳт кунга қолмасин тақдир юртим!

Навоий: Навбат туркманнинг улуғ шоирига!

Махтумқули: (ашула тарзи ижро этилади)
Ҳар йигитни аслин билай десангиз
Маракада ўтириб туришин кўринг,
Бирор билан ошно бўлай десангиз,
Иzzат икромингда юришин кўринг.

Қадрдон қадрдонмас узокдан туриб
Қадрли жонгинам қариндош бўлинг

Махтумкули дўст – ёрларга дуч келиб
Давр даврон суриб юришин кўринг

Тўй тантаналари давом этади, майдонга полвонлар, масхарабозлар, кўз бўямачилар, ёғоч от ўйинлари кириб келадилар ва ўзларини санъатларини намойиш этишади. Бир чеккада дор тикилган бўлиб, дарвозлар маълум муддат дор ўйини кўрсатадилар.

Саҳнадаги полвон сўзи:

Азиз ватандошлар! Буюк турон замини азалдан полвону баҳодирлар юрти бўлган. Хужум қилган ёвга кўкракларини қалқон қилишиб, муқаддас ватанни асраганлар. Аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бу анъанани биз ҳам кўз қорачигидай асрагаймиз ва мустакил юртимизни ҳар қандай хавф – ҳатардан саклагаймиз.

Саҳна сўнгидаги Хумо қуши рақс ижро этади. Рақс фонида бошловчиларнинг сўзи ўқилади:

1 – бошловчи: Бугунги кунда Марказий осиё деб аталмиш кўхна турон заминида барча халқлар бир ота-онанинг фарзандлариdek томири, қони, имони, бир халқ бўлиб яшаб келганлар.

2 – бошловчи: Айни вақтда аждодларимиз бизга мерос қилиб қолдириб кетган бу улуғ неъматни ардоқлашимизни, буюк келажагимиз ҳам тақозо қилмоқда.

1 – бошловчи: Биз бугун комил ишонч билан айта оламизки, туркистон халқларининг жипслиги, дўстлиги, иноклиги, ўтмишимиз буюк бўлганлигидан далолатдир. Келажагимизнинг ҳам буюк бўлишлиги тарих инояти билан амалга ошириладиган улуғ ишдир.

2 – бошловчи: «Туркистон – умумий уйимиз» деб аталмиш бугунги куннинг бу қутлуг шиорига шу кўхна заминда яшаётган барча халқлар лаббай деб жавоб бермоқдалар. Бахт, истиқлол қуши бўлмиш Хумони бугунги ёшлар ва келажак авлод ҳам авайлаб асрагай.

1 – бошловчи: Азалий қариндош ўзбегу, қозоқ,
Тожик, туркман, қирғиз оғалар инок.
Дўстлик, биродарлик қўшиғи янгрок,
Туркистон уйимиз, учавер, Хумо!

Ҳамма: Туркистон уйимиз, учавер, Хумо!

Барча иштирокчилар Хумо қушини кўтарувчи ёрдамида келажак сари парвоз қилдирадилар. Хумо қуши секин паастлаб, иккинчи блок қатнашчилари, келажакни яратувчилар болалар ичига кириб кетади ва уларни ҳам келажакка илхомлантиради. Иштирокчилар кўлларини кўтаришиб Хумо қуши билан хайрлашиб қоладилар. Майдонда мусиқа янграйди.

ТАМОМ.

НАВРЎЗ БАЙРАМЛАРИ УЧУН ЙЎЛАНМА МАВЗУЛАР

МАРҲАБО, НАВРЎЗИМ!

Марҳабо, Наврўзим, вафо тимсоли,
Сенсан садоқатнинг буюк мисоли,
Ошиқ – маъшуқларнинг дилдор висоли,
Марҳабо, Наврўзим, вафо тимсоли,

Куйлари жон олди, атриёт сенсан,
Жаҳонга бергусиз қадрият сенсан,
Эзгулик махзани, нек ният сенсан,
Марҳабо, Наврўзим, вафо тимсоли!

Аё самандарим, йўқ бўлмас жоним,
Тўкинлик элчиси, мева-ю доним,
Энг буюк кашфиёт – бўлсирдоқ ноним,
Марҳабо, Наврўзим, вафо тимсоли!

Бугун ҳаволарда сумалак ҳиди,
Наврўзгул, падрузак, бойчечак ҳиди,
Баҳорда бир ширин ислар анқийди,
Марҳабо, Наврўзим, вафо тимсоли!

Истиқлол кашфиёт этди сени ҳам янги
Оҳангинг мўжиза – ўзга жарангги!
Мудом янграб турсин огоҳлик бонгти,
Марҳабо, Наврўзим, вафо тимсоли!

Муҳаммад Ғози

НАВРЎЗ МУШОИРАСИ

(Иқбол Назарий)

/Бахри байт/

- Юринг, қизлар, гўзал наврўз, чаман боғлар кутар бизни,
Шафақгун лолазор – қирлар, баланд тоғлар кутар бизни.
- Кутар бизни чаман боғлар ва лекин шартимиз бордир,
Гўзал қизга баҳор фаслини лойик кутган йигит ёрдир.
- Йигит ёрдир гўзал қизга, бузилмас ахду паймони,
Баҳорга совғамиз тоғдек оқ олтиннинг шу хирмони.
- Шу хирмонни яратганинг фаол ҳамкори бизлармиз,

- Йигитлардан фақат бизсиз топилган хадя истармиз.
- Топилган хадымиз бордир, ахир, биз юрт учун посбон,
Ва биз борки, омон тургай баҳор, наврӯз, замин, осмон.
 - Замин, осмон учун посбон эрурсиз, бунга иқрормиз,
Ва бу ишда ҳамширалар, сизга шифокормиз.
 - Шифокормиз, - дедингиз сиз, бу дардларга даво айланг,
Фазогирмиз, юринг Марс боғига, бирга ҳаво айланг.
 - Ҳаво айланг, дедингиз сиз, ахир биз Марсни кучганмиз,
Фазогирлар бўлиб гўзал осмон бағрида хўб учганмиз.
 - «Хўб учганмиз» - сўзингиз ҳак, мудом сизга етиб бўлмас,
Нетайлик биз, ахир сизсиз бу йўлларда кетиб бўлмас.
 - Кетиб бўлмас бу йўлларда, ҳаёт йўли мураккабдир,
Бу турмуш боғи – дарсхона, ҳаёт ибратли мактабдир.
 - Ҳаёт ибратли мактабдир, келинг, қизлар, синов айланг,
Агар чиқсан сўзингиздан, шу он бизни бирор айланг.
 - Бирор айланг, деманг, мардсиз! Ва биз сизни этармиз ўз,
Вафодор бўлсангиз, мангу ҳаётингиз бўлур Наврӯз!
 - Бўлур наврӯз муштоқ, эй гўзаллар, бизни зор этманг,
Баҳор боғида иқбол гуллар, кўп интизор этманг.

НАВРЎЗ МУШОИРАСИ

(Иқбол Назаров)

(Зодиак ва Григорий календаридағи ой номларини ифодаловчи юлдуз исмлари талқинида)

- Мен қуёшга биринчи бурж – Ҳамал ойи, март ойи,
Мунажжимлар мени этмиш қўй шаклида тасаввур.
Мени қуёш, мендан баҳор, мендан наврӯз бошланар,
Мени баҳтга олиб келган ўн бир буржга тушаккур!

Ўн бир буржга тасанно!
Наврӯз, сенга марҳабо!

- Мен қуёшга иккинчи бурч – Савр ойи, апрелман,
Деҳқончилик рамзи ҳўқиз тасаввурий суратим.
Мен довулман ёки селман, тадбирли элга элман,
Менга нурлар олиб келган, қуёш, сенга раҳматим!

Қуёш, сенга тасанно!
Наврӯз, сенга марҳабо!

- Мен қуёшга учинчи бурж, Жавзо ойи, майдирман,
Гўзаликлар илоҳаси Меркурийга волида.
Мен гулларга, назокатга, нафосатга, бойдирман,
Ва осмонда кўринаман эгиз қизлар ҳолида.

Меркурийга тасанно!
Наврӯз, сенга марҳабо!

- Мен қуёшга тўртинчи бурж саратонман, июнман,
Қисқичбақа тасвирида кўринаман осмонда.
Менга сувдан шароб керак, йўқса ўтли қуюнман,
Кудратимга боис қуёш, салом ол саратондан,

Қуёш сенга тасанно!
Ҳамал сенга марҳаба!

- Мен қуёшга бешинчи бурж – Асад, яъни июлман,
Юлдузимда шавкату шон рамзи – арслон сурати.
Гарчи ваҳший кўринсам – да, инсон учун мен қулман,
Табиатга зарур бу кун инсон меҳру шафқати.

Инсон, сенга тасанно!
Ҳамал, сенга марҳабо!

- Мен қуёшга олтинчи бурж, сунбуламан, августман,
Тасвиримда фаровонлик рамзи – буғдой бошоги.
Ҳароратни, қуёш, ерни сезувчи элга дўстман,
Эй заминга она қуёш, сенга қалбим ардоғи!

Қуёш сенга тасанно!
Наврӯз сенга марҳабо!

- Мен қуёшга еттинчи бурж – мезон яъни, сентябр,
Ҳақиқатнинг тарозуси менинг мавсум юлдузим.
Ноҳақларга ошкору, зимдан қиласман жабр,
Шу баҳордан ялқовларни кўрмасин дейман кўзим,

Ҳамал сенга тасанно!
Наврӯз, сенга марҳабо!

- Мен ақрабман, октябрман, ойлар ичи сари,
Шаклим чаён, ҳақсизликни чаён бўлиб чақаман.
Эй қуёшни бошлаб келган, ҳамал, сенга оғарин,
Коинотга саккизинчи буржинг бўлиб боқаман.

Ҳамал, сенга тасанно!
Наврӯз сенга марҳабо!

- Мен қуёшнинг тўққизинчи буржи, қавс – ноябр.
Юонлар ҳам исмим олмиш «навом» тўққиз сўзидан,
Юлдузимни мунажжимлар ёй деб атарлар таъбир,
Номим ёдгор қилмиш қадим овчи бобо ўзидан

Ҳамал, сенга тасанно!
Наврӯз сенга марҳабо!

- Мен қуёшга ўнинчи бурж, жайд, яъни кийикман,
«Дека»бр – ўн сўзи билан атамишдир юонлар,
Юлдузимнинг рамзи бўлган оху каби суюкман,
Асрасангиз, мен ҳам сизни асрагайман, инсонлар!

Инсон, сенга тасанно!
Наврӯз сенга марҳабо!

- Мен қүёшнинг ўн биринчи буржи – Давл, январман,
Қудуқдан сув оладиган идиш шаклу номимда,
Сувга, нурга ташна эллар орзусидек дилбарман,
Фахрим мени ардоқлаган замонга саломимда,

Замон, сенга тасанно!
Наврўз сенга марҳабо!

- Мен қүёшнинг ўн иккинчи буржи – хутман, февралман,
Ҳалолликнинг рамзи балиқ – суратим тасаввур,
Янги замон кишисининг қалби қадар гўзалман.
Шу замонга боис – халқимизга ташаккур

Халқимизга тасанно!
Наврўз сенга марҳабо!

Х У Л О С А

Маълумки, инсон ижтимоий тараққиёт жараённида, оиласда ва мактабда, ўқув юртларида, ишлаб чиқариш ёки бошқа жамоаларда шахс сифатида камол топади. Ҳозирги кунда буюк мустақиллигимизни келгусидаги бунёдкорлари бўлган ёшларни иродали, меҳнатсевар, ватанга садоқатли, маънавий маданияти юксак даражада қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир инсон ўз ижтимоий ҳаётини гўзал ва мазмундор бўлиши учун аввало турмушнинг қадр-қимматини, унинг нақадар гўзалигини чуқур англамоқ керак. Ҳақиқий баркамол инсонга айланиш, шахс бўлиб етишиш, ўзи меҳнат килаётган жамоа

эътиборини қозониш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун инсон ўз мақсади йўлида юксак ишонч ва ғайрат билан ишлаши, ижодий меҳнат қилиши эвазига эришиши мумкин бўлади. Ижтимоий-маданий фаолиятига молик бўлган вазифаларни амалга ошириш учун шахснинг маданий савиасини такомиллаштириш талаб қилинади.

Бугунги кунимизда ижтимоий-маданий фаолият ҳар бир оила шароитига, ҳар бир инсон ҳаётига сингиб бормоқдаки, инсон турмуш тарзини бу фаолиятсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунда таълим-тарбиянинг барча йўналишлари қаторида маданият муассасаларида ҳам янгича ёндашиш талаб қилинмоқда. Ушбу соҳани илмий-педагогик йўналишда олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Мустақиллик йўлида шахдам одимлар билан бораётган Ўзбекистонда янги маънавий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида халқимизнинг ижтимоий-маданий ҳаётига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадий тафаккур ривожини жадаллаштирумокда.

Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида ижтимоий-маданий фаолият йўналишида алоҳида мутахассис тайёрлаш ва шу соҳа ёшларига ҳаётга йўлланма бериш борасидаги ишлар бу соҳага илмий-педагогик нуқтаи назаридан ёндашишга дават этмоқда. Мустақиллик йилларида маънавий қадриятларимизнинг тикланиши, маданиятимизни янги босқичга олиб чиқишида халқимизнинг бадиий-эстетик маданиятини, маънавий эҳтиёжларини ва салоҳиятини ўзида тўла мужассамлаштириш асосий вазифа қилиб белгиланмоқда. Бугунги кунда халқимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш масалалари, уларнинг сиёсий онгини тўғри йўллар билан шакллантириб бориш, мафкуравий ишимизнинг асосий мазмунини ташкил қиласи. Гоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбияни ўзида чукӯр сингдириб олмаган юртимизнинг ҳар бир фуқароси, мустақил ватанимиз олдида турган, буюк келажак сари шахдам одимлар билан бораётган халқимиз олдида турган мухим вазифаларни тўғри тушуна олмайди ва натижада маънавий ўсишдан орқада қолади. Айниқса ёшларга меҳнатсеварлик фазилатларини сингдириш, унинг ижтимоий-маданий моҳиятини тушуниб олишига кўмаклашиш мухимдир.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларни мужассамлаштирган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, ижтимоий-маданий фаолиятнинг кўлами кенг, йўналишлари мазмундор, ижтимоий ҳаётда зарур соҳа деб қараашликни тақозо этади. Шу соҳа мутаҳассисларидан бу йўлда мазмунли режа ва дастурлар асосида иш олиб боришликни, тўғри ёндашган ҳолда тинмай ижодий изланишликни талаб этади. Зоро буларнинг барчасини ватанимиз келажаги йўлида олиб борилаётган залворли ишларнинг мухим шарти деб англашимиз зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Асарлар. 6-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998.
2. Т.Махмудов. Мустақиллик ва маънавият. Т., «Шарқ», 2001.
3. «Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар». «Ўзбекистон», 2000.
4. Муаллифлар гурухи. «Ўзбекистон санъати» Т., «Шарқ» нашриёти матбаа акционерлик компанияси бош таҳририяти. 2001.
5. Муаллифлар гурухи. Маданиятшунослик. Фарғона, 1997.
6. М.Абдуллаев. Маданиятшунослик асослари. Фарғона, 1997.
7. Р.Абдуллаев. Миллий истиқлол ва мусиқа. Т., 2002.
8. С.Х.Йўлдошева. Ўзбекистонда мусиқа тарбияси ва таълим мининг ривожланиши. «Ўқитувчи» нашриёти. Т., 1989.
9. Б.Насриддинов. Сахна жилолари. Т., 1985.
10. Иззат Султон. «Адабиёт назарияси» «Ўқитувчи» нашриёти. Т., 1980.
11. С.Маннолов, И.Турсунов, М.Юсупов. «Сценарийлар тўплами» Фарғона, (1990-2002) йиллар.
12. Х.Исмоилов. «Ўзбек тўйлари». «Ўзбекистон» нашриёти. 1992.
13. Сценарийлар тўплами. Фарғона, 2000-2003.
14. М.Нурмухаммедова. Ўзбекистонда маданий-маърифий ишлар. Т., «Ўқитувчи» 1993.

МУНДАРИЖА.

КИРИШ.

I-БОБ.

1. Сценарий маҳорати фанининг мазмун ва моҳияти.
2. Сценарийда бадиийлик мезони.
3. Сценарийнинг ғоявийлиги ва мафкуравийлик кучи.
4. Сценарий ва мусиқий безак мутаносиблиги.
5. Сценарийда мавзу ва ғояларнинг муштараклиги.
6. Сценарийда бадиий композициянинг тутган ўрни.
7. Мустақиллик байрами ва наврӯз байрам сценарияларининг моҳияти.
8. Сценарий тузишда амал қилиш керак бўлган муҳим шартлар.

II-БОБ.

Байрам сценарийларидан намуналар

1. «Нурга тўл, обод ватан».
2. «Саждагоҳимсан ватан!»
3. «Ватан ягонадир - ona yagona!».
4. «Turkiston umumiyluyimiz».
5. Navgъ 'z bayramlari uchun уъllanma mavzular.

XULOSA.

FOYDALANILGAN ADABIYЪTLAR.